

ЎЗБЕК БИЛАН ҚИРҒИЗ ЁНМА-ЁН ҲАРГИЗ

3-с.

ЯШАБ ТУРГАН ҲАЁТИНГИЗ, БУ — АСЛИДА БАХТСИЗЛИКМИ?..

4-с.



ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

Mahalla

ХАЛҚҚА ЯНАДА ЯҚИН

2026 ЙИЛ
11 НОЯБРЬ,
ЧОРШАНБА

№91
(2419)

WWW.UZMAHALLA.UZ

МАҲАЛЛА ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ АСОСИЙ БУЮРТМАЧИСИГА АЙЛАНАДИ

“ТОП-100”: СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

ТАРАҚҚИЁТ БОР ЖОЙДА МАЪНАВИЙ МАСЪУЛИЯТ ҲАМ БЎЛИШИ ШАРТ



Маҳалла раиси сифатида одамлар билан ҳар куни мулоқот қилиб, бир нарсани англайман: баъзи муаммоларнинг илдизи иқтисодий қийинчиликларда бўлса, айримларининг сабаби одамларнинг бир-бирини эшитишни, тушунишни ва кечиришни тобора камайтираётганидадир.

Айниқса, рақамли муҳитнинг оилавий муносабатларга таъсири ҳақида жиддий ўйлашимиз керак. Ижтимоий тармоқлар, турли платформалар, сунъий интеллект инсонга катта имкониятлар беряпти. Аммо улардан фойдаланиш маданияти бўлмаса, у муаммога айланиши мумкин. Бугун айрим хонадонларда эр-хотин бир дастурхон атрофида ўтирса-да, бир-бири билан суҳбатлашмайди. Ҳар кимнинг эътибори телефонда, виртуал оламда. Оила аъзолари ўртасидаги жонли мулоқот ўрнини қисқа хабарлар, ижтимоий тармоқлардаги ёзишмалар эгаллаб бораётир.

Бундан ҳам ташвишли жиҳати, **баъзан одамлар ўз оилавий муносабатларига ҳам ижтимоий тармоқлардаги қарашлар орқали баҳо бера бошлайди.** Бошқаларнинг безатилган ҳаётига қараб, ўз турмушидан норози бўлиш, ҳар қандай келишмовчиликни муносабатларни тугатиш учун асос, деб билиш ҳолатлари учрайди. **Сунъий интеллектдан олинган ҳар қандай жавобни ҳаётий ҳақиқат сифатида қабул қилишга уринишлар бор.**

Давоми 2-саҳифада.

Маҳаллаларда яшил муҳит ва обод турмуш уйғунлиги

“ЯШИЛ МАКОН”

Республикамизнинг барча маҳаллаларида “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида кўчат экиш ишлари давом этмоқда.

Фарғона вилоятида кузги кўчат экиш мавсуми Қўштепа туманидаги “Лангар” маҳалласидан бошланди.

Маълумотларга кўра, 2022-2026 йилларда вилоятда 73,4 миллион туп дарахт ва бута кўчати экилди. 140 гектар майдонда “яшил боғлар”, 170 гектарда “яшил жамоат парклари”, 48 гектарда эса “яшил белбоғ”лар барпо этилди. Жорий йил баҳор мавсумида 6,6 миллион туп кўчат экилиб, белгиланган режа 117 фоизга бажарилди. Кузги мавсумда эса вилоят бўйича 11,1 миллион туп мевали дарахт ва бута кўчати экиш режалаштирилган.

Жумладан, Қўштепа туманида кузги мавсум давомида 672,7 минг туп кўчат экилади. Бунда маҳаллалар, аҳоли томорқалари, фермер хўжаликлари, ижтимоий соҳа муассасалари ва йўл бўйларини кўкаламзорлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, аҳолига кўчатларни қулай харид қилиш имкониятини яратиш мақсадида вилоят бўйича 102 та кўчат ярмаркаси ва савдо нуқтасини ташкил этиш белгиланган.



Навоий вилоятида ҳам кузги мавсум доирасида барча маҳаллаларда кўкаламзорлаштириш ишлари бошланди. Асосий эътибор яшил ҳудудларни кенгайтириш, аҳоли яшаш манзилларини ободонлаштириш ва атроф-муҳит сифатини яхшилашга қаратилмоқда.

Жорий мавсумда вилоятдаги 310 та маҳаллада жами 1 миллион 279 минг 600 туп дарахт кўчати экиш режалаштирилган. Бу жараён аҳоли, камбағал оилалар, ёлғиз кексалар хонадонлари, “маҳалла еттилиги” аъзолари, кўча бошилари ҳамда маҳалла боғларини қамраб олмоқда. Хусусан, аҳолига тарғибот ишлари орқали қарийб 60 минг туп, “маҳалла еттилиги” аъзоларига 8 415 туп, камбағал оилалар хонадонларига эса 3 450 туп кўчат экилди.



ТАҲЛИЛ

ЯЙЛОВ, БУ — ОДДИЙ МАЙДОН ЭМАС, ИШГА СОЛИНМАГАН ИҚТИСОДИЙ ИМКОНИЯТ ДЕМАК

Ўзбекистонда маҳалла институтининг иқтисодий имкониятларини кенгайтиришга қаратилган ислоҳотлар янги босқичга кўтарилди. Энди маҳалла нафақат аҳоли муаммоларини аниқлаш, ижтимоий ёрдамни манзилли етказиш, тадбиркорлик ва бандликни ташкил этиш билан шуғулланади, балки ҳудуддаги табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш жараёнида ҳам муҳим иштирокчига айланади.

“Яйлов ерларидан самарали фойдаланиш ва чорвачилик хўжаликларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент қарори билан **470 та маҳаллага** жами 627 минг гектар яйлов **49 йил муддатга** бепул ижарага берилиши бу борадаги муҳим қадамдир. **Ушбу ер майдонлари солиқдан озод этилади,** маҳаллада яшовчи фуқароларга ўз чорва молларини **мазкур яйловларда бепул ўтлатиш имконияти яратилади.**

Бир қарашда, бу чорвачилик билан шуғулланувчи аҳоли учун қулайлик, маҳалла учун эса қўшимча ресурсдек кўринади. Аммо масаланинг иқтисодий мазмуни бундан кенгроқ. Гап шундаки, йиллар давомида фойдаланилмай ётган, айрим жойларда эса тартибсиз фойдаланиш оқибатида ҳосилдорлиги пасайган яйловлар аҳоли фаровонлигига хизмат қиладиган иқтисодий майдонга айланиши керак.

Давоми 2-саҳифада.

ОБОДЛИК ФАЛСАФАСИ

Яхши яшаш учун узоққа бориш шартми?..

Бухоро шаҳридаги Сайфиддин Баҳорзий номидаги ва “Шайх ул олам” маҳаллаларида пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги “Боғимайдон” маҳалласи тажрибаси асосида кенг кўламли ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишлари амалга ошириляпти.

Хўш, бу қандай тажриба? *“Боғимайдон” маҳалласи тажрибаси — рақамлаштирилган бошқарув, замонавий инфратузилма, “яшил воҳа” концепцияси ва аҳоли муаммоларини жойида ҳал этиш тамойилларига асосланган замонавий намунали маҳалла моделидир. Унда маҳалла бошқаруви, мурожаатлар билан ишлаш ва мавжуд муаммоларни ҳал этиш жараёнлари рақамли тизим орқали мувофиқлаштирилади.*



Ушбу тажриба асосида Бухоро шаҳридаги икки маҳаллада ҳам инфратузилмани яхшилаш, аҳоли учун қулай яшаш шароитларини яратиш, ҳудудларни ободонлаштириш ва ижтимоий объектларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Давоми 2-саҳифада.

БУГУНГИ СОНДА:

ЖИНОЯТНИ ЖИЛОВЛАШ МАЖБУРИЯТНИ АНГЛАШДАН БОШЛАНАДИ — 5-с.

ЯХШИЛИКНИНГ МЕЪЁР ВА МЕЗОНЛАРИ БОР — 6-с.

УЙЛАР ОММАВИЙ БАҲОЛАНДИ: ЯНГИ НАРХ СОЛИҚЛАРНИ ОШИРАДИМИ? — 7-с.

7



ЖАМОАТ ТРАНСПОРТИ — ТАДБИРКОРНИНГ РЕКЛАМА МАЙДОНЧАСИ...(МИ?)

8



БЛОГЕР ТАВСИЯСИГА ИШОНСАК, ҚОНУННИ БУЗМАЙМИЗМИ?



ДАНҒАРА ТУМАНИ “АРАВОН” МАҲАЛЛАСИДА 2 500 ўринли замонавий стадион фойдаланишга топширилди.



Ўзбекистон маҳаллалар уюшмаси Тошкент вилояти бошқармаси масъуллари ОЛМАЛИҚ ШАҲРИ “САХОВАТ” МАҲАЛЛАСИДА мавжуд муаммоларни ўрганди.



ХИВА ТУМАНИ “ШОМОХУЛУМ” МАҲАЛЛАСИДА “Ташаббусли бюджет” лойиҳаси доирасида 2 километр ички йўлга асфальт ётқизилди.

“ТОП-100”: СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

Тараққиёт бор жойда маънавий масъулият ҳам бўлиши шарт



Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Отамурод ЮСУПОВ, Амударё туманидаги Дўрмон овул фуқаролар йиғини раиси.

Айрим сериаллар ва оммавий контентларда эркинлик тушунчаси оилавий масъулиятдан узилган ҳолда талқин қилинади. Қаҳрамоннинг бахти кўпинча ҳеч ким билан ҳисоблашмаслик, ўз хоҳишини ҳамма нарсадан устун қўйиш, қийинчилик туғилганда муносабатларни узиш билан боғланади. Бундай мазмунни мунтазам томоша қилаётган ёшлар, айниқса, оилавий ҳаётга энди қадам қўяётганлар оила ҳақида нотўғри тасаввурга эга бўлиб қолиши мумкин. Баъзида мустақиллик деганда, масъулиятдан қочиш, ўзини қадрлаш деганда, бошқаларнинг ҳис-туйғулари билан ҳисоблашмаслик тушунилаётгандек.

Албатта, оилавий ажралишларнинг сабабини фақат ижтимоий тармоқлар ёки сериалларга боғлаш тўғри эмас. Иқтисодий қийинчилик, зўравонлик, масъулиятсизлик, ўзаро ишончнинг йўқолиши каби омиллар ҳам бор. Аммо ахборот муҳити инсоннинг дунёқараши ва қарорларига таъсир кўрсатаётганини ҳам инкор этиб бўлмайди.

Менимча, бу борада маҳалла фаолиятида янги ёндашувлар керак. **Энг аввало,** ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш ишларини никоҳ олдидан ўтказиладиган расмий суҳбатлар билан чекламаслик лозим. Янги оилаларнинг дастлабки йилларида улар билан мунтазам ишлаш, оилавий бюджетни юритиш, фарзанд тарбияси, ўзаро ҳурмат, низоларни муроса билан ҳал этиш бўйича амалий машғулотлар ташкил этиш зарур. Бу жараёнда психологлар, ҳуқуқшунослар ва ҳаётий тажрибага эга оилалар иштирокини таъминлаш керак.

Қолаверса, маҳаллада рақамли савод-хонликни оилавий тарбиянинг бир қисмига айлантириш вақти келди. “Рақамли муҳитда оила масъулияти” мавзусида очиқ мулоқотлар ўтказиб, ота-оналар ва ёшларга ижтимоий тармоқлардан тўғри фойдаланиш, болаларнинг интернетдаги фаолиятини назорат қилиш, сохта ахборот ва зарарли контентни фарқлашни ўргатишимиз керак.

Яна бир муҳим таклифим бор: оилавий муаммоларни эрта аниқлаш ва манзилли ёрдам кўрсатиш тизимини кучайтириш лозим. Маҳалла раиси, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси ва профилактика инспектори хонадонлардаги вазиятни ўзаро ҳамкорликда ўрганиб, дастлабки келишмовчиликлар чуқурлашиб кетишининг олдини олиши керак. Зўравонлик ҳолатларида эса жабрланувчининг хавфсизлигини биринчи ўринга қўйиш шарт.

Оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш фақат маънавий тарғибот билан ҳал бўлмайди. Уларнинг иқтисодий аҳволини ўрганиш, ишсиз аъзоларини касбга ўргатиш, тадбиркорликка жалб этиш, хотин-қизларнинг даромад манбаига эга бўлишига кўмаклашиш ҳам оилавий барқарорлик сиёсати таркибида бўлиши зарур. Маҳалламизда бу борада муайян натижаларга эришдик. Йил бошидан буён 104 нафар ишсиз фуқаронинг 90 нафари даромадли меҳнатга жалб қилинди. 46 та камбағал оиланинг барчаси ушбу тоифадан чиқарилди. Қувонарлиси, ҳудудда жиноятчилик ва оилавий ажралиш ҳолатлари кузатилмади.

Маҳалла раиси буюртмачилиги асосида ҳудудда бешта микролойиҳа амалга оширилди. Жумладан, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси қурилди, нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолияти йўлга қўйилди. Бу лойиҳалар аҳолига хизмат кўрсатиш билан бирга, янги даромад манбалари ва иш ўринларини яратишга хизмат қилаётир.

Ҳудудимиз инфратузилмасини яхшилаш масалалари ҳам эътиборимизда. Туман ҳокимига эскирган электр энергияси симёғочларини алмаштириш, кўчма дўконлар қуриш учун ер майдонлари ажратиш ҳамда имтиёзли кредитлар олиш бўйича мурожаат қилдик. Учала масала ҳам ижобий ҳал этилди.

Оила мустаҳкамлиги биргина тўй билан бошланмайди, уни ҳар кунги муносабат, ўзаро ҳурмат, сабр ва масъулият асраб туради. Замон ўзгариши, технологиялар ривожланиши табиий, аммо инсонни инсонга яқин қиладиган қадриятлар қадрсизланмаслиги керак. Менимча, оиланинг энг катта бойлиги ҳам бир-бирини тушуниб, бир-бирига суянч бўлиб яшашдир. Маҳалла эса ана шу меҳр, ишонч ва ҳамжиҳатликни асрашга хизмат қилиши, ҳар бир оилада муаммо аломатлари кўринган пайтданоқ кўмакка келиши лозим.

ОБОДЛИК ФАЛСАФАСИ

Яхши яшаш учун узоққа бориш шартми?..



Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Сайфиддин Баҳорзий номидаги маҳаллада янги йиғин биноси, ёшлар кутубхонаси, жамоат маскани ва замонавий болалар ўйин майдончаси барпо этилмоқда. Кўп қаватли тураржойларнинг фасадларига замонавий тасвирлар тушириш ишлари ҳам якуний босқичга етган.

Ҳудудда 9 минг квадрат метр пиёдалар йўлагини қуриш ишлари давом этмоқда. Шунингдек, 3,3 километр суғориш тармоғи барпо этилди. 32 та кўп қаватли уйнинг ташқи ва ички қисмларини таъмирлаш, 18 минг квадрат метр майдондаги ички йўлларга асфальт ётқизиш ишлари якунланиш арафасида. Аҳоли хавфсизлигини таъминлаш мақсадида 24 та видеокузатув камераси ўрнатилди.

“Шайх ул олам” маҳалласида ҳам ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли, хусусан, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш ва хавфсиз муҳит яратиш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

*— Маҳалла ходимлари учун замонавий андозалар асосида қад ростлаган янги маъмурий бино фойдаланишга топширилди, **— дейди маҳалла раиси Моҳира Тошматова.** — Бино барча шароитларга эга, кутубхона ҳам мавжуд. Унинг китоб фондини турли йўналиш ва мавзулардаги 3 мингга яқин китоб билан бойитдик. Қолаверса, ҳудуд интеллектуал, яъни юзни таниб олувчи видеокузатув камералари билан жиҳозланди. Кўп қаватли уйларга тезкор хавфсизликни таъминлашга хизмат қилувчи “ташвиш тугмаси” ускуналари ўрнатилди. Натижада маҳалла жиноятдан холи, барқарор “яшил” ҳудудга айлантирилди.*

Маҳалладаги 36 та кўп қаватли уйнинг 18 тасида ертўла майдонлари тадбиркорлик субъектларига бириктирилди. Ажратилган имтиёзли кредитлар эвазига бу жойларда тикувчилик, кўрпадўзлик цехлари, сартарошхоналар ва ўқув курслари ташкил этилди. Сулолавий зардўз Маҳфуза Салимова раҳбарлигидаги зардўзлик музей-марказида 100 нафардан ортиқ хотин-қиз доимий иш ўрнига эга бўлди. Эллик йилдан ортиқ тажрибага эга уста-ҳунарманд Ҳикоят Очилова эса “устоз-шогирд” анъанаси асосида ўнлаб ёшларга касб сирларини ўргатиб келмоқда.

Илгари фойдаланилмай турган бўш ҳудудда тўғридан-тўғри инвестициялар ҳисобига “Шойигул” тикувчилик фабрикаси фаолияти йўлга қўйилди. Корхонада 400 нафар маҳаллий хотин-қиз, жумладан, хорижий меҳнат миграциясидан қайтган аёллар иш билан таъминланди. Ишчилар учун бепул транспорт қатнови, иссиқ овқат ва зарур қулайликлар яратилган. Ойлик маошлар эса 3 миллион сўмдан 10 миллион сўмгача белгиланган.

Энг эътиборли жиҳати, мазкур икки маҳаллада кимдир уйи ёнидаги цехда касб ўрганиб, даромад топяпти, яна кимдир фарзандини кутубхонага олиб бориш, обод ҳудудда сайр қилиш имконига эга бўляпти. Бундай ўзгаришларнинг қадрини эса, аввало, шу маҳаллаларда яшаётган одамлар ҳис қилади. Зеро, инсон ўз уйи, кўчаси ва маҳалласидаги ўзгаришни ўз ҳаётида сезсагина, ободончиликка бефарқ қарамайди, уни асрашга ҳам ҳисса қўшади.

ТАҲЛИЛ

Яйлов, бу — оддий майдон эмас, ишга солинмаган иқтисодий имконият демак

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.



ЯЙЛОВНИНГ МАЙДОНИ ЭМАС, УНДАН ОЛИНАДИГАН САМАРА МУҲИМ

Аввало, яйловларни маҳаллаларга беришдан кўзланган мақсадни тўғри англаб олиш зарур. Бу ерларни маҳалла балансига ўтказишнинг ўзи ҳали иқтисодий натижа дегани эмас. Агар яйловда сув бўлмаса, озуқа ўсимликлари камайган, чорва боқиш учун зарур шароит яратилмаган бўлса, 49 йиллик ижара ҳам аҳоли даромадини оширмайди.

Бугун чорвачилик билан шуғулланаётган кўплаб хонадонлар учун энг катта муаммолардан бири — ем-хашак харажатларининг юқорилиги. Чорва молини боқиш учун озуқа сотиб олиш, уни ташиш, қиш мавсумига захира қилиш оила бюджетидан салмоқли маблағ талаб этади. Айниқса, ер майдони чекланган, бир неча бош қорамол ёки майда шохли мол боқаётган хонадонлар учун бу анча оғир юк.

Жамоат яйловларидан оқилона фойдаланиш ана шу харажатларни қисқартиришга хизмат қилади. Лекин бунинг учун маҳалла, биринчи навбатда, ўз ҳудудида қанча хонадон чорвачилик билан шуғулланишини, уларда нечта чорва моллари борлигини, мавжуд яйлов майдонининг имконияти қанчалигини аниқ билиши керак. Энг муҳими, **яйловнинг ҳақиқий имкониятини баҳоламай, унга қанча чорва молини чиқариш мумкинлиги ҳақида қарор қабул қилиб бўлмайди.** Шу боис ҳар бир яйлов учун чорва боқиш меъёри белгиланиши лозим.

Демак, маҳалла учун биринчи вазифа — яйловни шунчаки фойдаланишга бериш эмас, унинг табиий имкониятини сақлаган ҳолда аҳоли манфаатига йўналтиришдир.

МАҲАЛЛА РАИСИ — ЖАМОАТ МАНФААТИНИНГ КАФИЛИ

Янги тартибнинг энг муҳим жиҳатларидан бири — яйловларни муайян шахсларга алоҳида бириктириб бериш, бўлиб олиш ёки иккиламчи ижарага беришнинг тақиқланганидир.

Аслида, бу ерлар маҳалладаги барча аҳоли учун умумий ресурс ҳисобланади. Ундан фойдаланишда **ижтимоий адолат, очиқлик ва тенг имконият тамойиллари** таъминланиши шарт. Бироқ жараёнда бир қатор саволлар пайдо бўлиши табиий: масалан, яйловдан фойдаланиш истагидаги хонадонлар сони кўп, аммо майдон имконияти чекланган бўлса, навбат қандай белгиланади? Чорва моллари сони кўп бўлган хонадон билан икки-уч бош мол боқаётган оиланинг манфаати қандай уйғунлаштирилади?

Қарорда бунинг аниқ тартиби белгиланган: жамоат яйловларидан фойдаланишда **ҳар бир хонадонга тўғри келадиган чорва моли сонининг чекланган миқдорини маҳалла фуқаролар йиғинлари мустақил белгилайди.** Шунга кўра, **ҳар бир маҳаллада жамоат яйловидан фойдаланишнинг очиқ тартиби ишлаб чиқилади.** Унда чорва боқувчи хонадонлар рўйхати, моллар сони, ўтлатиш навбати, мавсумий ҳаракатланиш йўналишлари, сув манбаларидан фойдаланиш қоидалари аниқ кўрсатилади.

Маҳалла раиси бу жараёнда ерни кимгадир тақсимлаб берувчи шахс эмас, балки умумий манфаатни ҳимоя қилувчи, фойдаланиш тартибининг шаффофлигини таъминловчи ташкилотчи бўлмоғи лозим.

ЯЙЛОВДАН ФОЙДАЛАНИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ КЕНГАЙТИРИЛАДИ

Яйловлардан самарали фойдаланишдаги энг оғриқли масалалардан бири — сув таъминоти. Айрим ҳудудларда чорва моллари учун сув манбалари олисда жойлашган, мавжуд қудуқлар ишдан чиққан ёки улардан фойдаланиш имконияти чекланган.

Янги тартибда **давлат бюджети ҳисобидан қурилган тик қудуқларни чорвачилик субъектларига жамоавий фойдаланиш шарти билан бепул топшириш белгиланаётгани** шу нуқтаи назардан муҳим. Ҳар бир яйловдаги сув иншоотлари хатловдан ўтказилади, техник ҳолати баҳоланади, таъмирлаш харажатларини қоплаш тартиби ишлаб чиқилади. Қудуқларнинг ишлаш ҳолати, сув ҳажми ва фойдаланиш тартиби бўйича масъуллар белгиланиши ҳам муҳим.

Қарор билан **яйловлардан фойдаланиш йўналишлари кенгайтирилади.** Асаларичилик, пиллачилик, экотуризм, доривор ўсимликлар етиштириш ва кўчатчилик каби фаолият турлари маҳаллий аҳоли учун қўшимча даромад манбаига айланиши мумкин. Бу, айниқса, чорвачилик учун табиий имконияти чекланган ҳудудлар учун аҳамиятли.

Масалан, гулларга бой, экологик жиҳатдан қулай ҳудудларда асаларичиликни йўлга қўйиш, табиий ўсимликлар ўсадиган майдонларда доривор хомашё етиштириш, сайёҳлик салоҳияти мавжуд жойларда экотуризм хизматларини ташкил этиш мумкин. Бунинг учун ҳар доим ҳам катта сармоя талаб қилинмайди. Айрим йўналишларни бир неча хонадон ҳамкорликда бошлаши мумкин.

Асосий талаб: ҳар қандай фаолият яйловнинг экологик хусусияти, ердан фойдаланиш мақсади ва амалдаги ҳуқуқий талабларга мувофиқ бўлиши шарт. Доривор ўсимликларни назоратсиз йиғиш, табиий ўсимлик қопламини йўқотиш ёки экотуризм баҳонасида чиқиндиларни кўпайтириш яйловга зарар келтиради. Шунинг учун **маҳалла ҳар бир яйловнинг табиий ва иқтисодий имкониятлари алоҳида ўрганилиши** зарур.

49 ЙИЛЛИК ИЖАРА — 49 ЙИЛЛИК МАСЪУЛИЯТ

49 йиллик муддат — жуда катта давр. Демак, бугун қабул қилинадиган қарорлар келгуси авлодларнинг ҳам табиий ресурслардан фойдаланиш имкониятига таъсир кўрсатади.

Ҳозирги кунда яйловлар билан боғлиқ муаммолар орасида ерларнинг деградацияси, ўсимлик қопламининг сийраклашиши, сув манбаларининг етишмаслиги, чорва молларининг меъёрдан ортиқ боқилиши каби ҳолатлар бор. Айрим жойларда яйловлардан фойдаланиш тартибига риоя этилмаслиги, чорва йўлларининг белгиланмагани, ер майдонлари чегараларининг аниқ эмаслиги ҳам қўшимча қийинчиликлар туғдиради.

Буларни бартараф этиш учун маҳалла яйловни қабул қилиб олишдан олдин унинг кадастр ҳужжатлари, чегаралари, мавжуд инфратузилмаси ва экологик ҳолатини тўлиқ ўрганиши керак. Ернинг қайси қисмида ўсимлик қоплами тикланиши, қайси ҳудудда чорва боқиш вақтинча чекланиши, қаерда сув иншоотлари қурилиши зарурлиги аниқ белгиланиши лозим. Энг мақбул ечимлардан бири — **яйловларни навбатма-навбат фойдаланиш тамойили асосида ташкил этиш.** Бунда майдон бир нечта қисмга ажратилиб, чорва моллари белгиланган муддат давомида бир қисмда боқилади, қолган ҳудудларда эса ўсимликларнинг табиий тикланишига шароит яратилади.

ЭНДИ МАҲАЛЛА ОЛДИДА ҚАНДАЙ ВАЗИФАЛАР ТУРИБДИ?

Янги тартибнинг жойларда самарали ишлаши учун бир қатор амалий чораларни кўриш зарур.

Энг аввало, ҳар бир маҳаллада жамоат яйловининг электрон паспорти шакллантирилиши лозим. Унда ер майдони, кадастр чегаралари, сув манбалари, ўсимлик қоплами, чорва боқиш имконияти ва мавжуд муаммолар акс этиши керак. Бу маълумотлар маҳалла раиси ва тегишли ташкилотлар учун ягона ишчи асос бўлади. **Ўз навбатида,** яйловдан фойдаланиш бўйича маҳаллий жамоатчилик назорати йўлга қўйилиши зарур, ветеринария ва санитария талабларига қатъий риоя этилиши шарт.

Бундан ташқари, маҳалланинг яйловдан фойдаланиш бўйича йиллик режаси ва натижаларини баҳолаш мезонлари бўлиши лозим. Масалан, қанча хонадон яйловдан фойдаланди, қанча оила чорвачилик орқали даромадини оширди, қанча гектар майдон тикланди, сув иншоотларининг нечтаси ишга туширилди, қанча янги иш ўрни яратилди? **Энг муҳими,** бу жараёнларни ташкил этишда маҳалла раиси ёлғиз қолмаслиги керак. Тегишли вазирлик ва идоралар, ҳокимликлар, қишлоқ хўжалиги мутахассислари, ветеринария хизмати ўртасида аниқ ҳамкорлик тизими йўлга қўйилиши зарур.

Аслида, маҳаллага жамоат яйловларининг 49 йилга бепул ижарага берилиши — катта ишонч. Бу ишончни оқлаш учун ерни асраш, тиклаш, самарали бошқариш ва аҳоли даромадини оширишга хизмат қилдириш керак. Энг асосийси, яйловдан фойдаланиш натижаси одамлар ҳаётидаги ўзгаришлар билан баҳоланиши зарур. Маҳаллага берилган яйлов шунчаки чорва ўтлайдиган майдон бўлиб қолмаслиги, аҳоли фаровонлиги, ҳудуд иқтисодиёти ва табиат барқарорлигига хизмат қиладиган умумий бойликка айланиши зарур.



СИРДАРЁ ТУМАНИ “ТАРАҚҚИЁТ” МАҲАЛЛАСИДА “Кўмак” лойиҳаси доирасида 100 миллион сўм ссуда олган Абдураҳмон Муҳаммаджонов ўқув марказини ташкил этди.



Қорақалпоғистон Республикасида рассом ва расм чизишга қизиқувчи ёшлар ўртасида “ОНА ДИЁР РАНГЛАР ЖИЛОСИДА” шиори остида танлов ўтказилди.



Андижон гарнизонида жойлашган ҳарбий қисмда ҳарбий хизматчилар иштирокида “УЧ АВЛОД УЧРАШУВИ” бўлиб ўтди.

МАҲАЛЛАДА САНОАТ ВА ХИЗМАТ

РЕЖА ҚОҒОЗДА ҚОЛГАНИ РОЗИЛИК КЕЛТИРМАЙДИ

Одамлар ўз уйидан чиқмай, хориждагидан икки ҳисса кўп даромад топяпти



Ҳар куни эрталаб маҳалламиз кўчаларини айланишни хуш кўраман. Одамлар билан салом-алик қилиш, уларнинг кўзидаги умидни кўриш, дардини тинглаш менга куч беради. Иш куним хонада, тўрт девор ичида эмас, мана шу йўллардан, одамларнинг хонадонларидан бошланади.

Отабек ЭРГАШЕВ, Пахтаобод туманидаги “Андижон” маҳалласи ҳоким ёрдамчиси вазифасини бажарувчи.

Ҳоким ёрдамчиси сифатида иш бошлаганимга 4 йил бўлди. Очиғини айтсам, ўтган шу йиллар давомида мени энг кўп таъсирлантирган ва руҳлантирган жиҳат — эҳтиёжманд, ҳаётда ўз йўлини излаётган ва ёрдамга муҳтож инсонларга ҳақиқий кўмакчи бўла олганимдир. Бир оиланинг қозони қайнаб, юзига табассум югурса, ўзимни дунёдаги энг бахтли инсондай ҳис қиламан.

Фаолиятимни бошлаган илк кунларимданоқ, ҳудуднинг ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилиб чиқдим. Одамларимиз қайси соҳага қизиқади, қайси йўналиш уларга яқин? Аниқландики, маҳалладошларимиз кўпроқ чорвачилик ва деҳқончиликка меҳр қўйган. Шундан сўнг биз маҳаллани айнан шу икки йўналишга ихтисослаштиришга қарор қилдик.

Режаларимиз қоғозда қолиб кетмади. Яқинда маҳалламизда 1 гектар ер майдони саноат ҳудуди қуриш учун ажратилди. Уни чорвачилик билан шуғулланиш иштиёқида бўлган тадбиркорларимизга 10-20 сотихдан бўлиб беряпмиз. Ҳар бир тадбиркор камида 5-10 тадан янги иш ўрни яратиши керак.

Бундан ташқари, томорқа маданиятини ошириш мақсадида маҳалла биноси ёнида 6 сотихли “Ақлли хонадон” ташкил этдик. Бу ерда фуқароларга ердан қандай қилиб кўпроқ даромад олиш мумкинлигини амалий ўргатяпмиз, уларга тажрибали уста-деҳқонни ҳам бириктириб қўйганмиз.

Йил бошидан бери маҳалламизда 118 нафар фуқаро доимий иш жойига эга бўлди. “Ҳар бир оила — тадбиркор” дастури доирасида 1 миллиард сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилди. Илгари уйда ишсиз ўтирган аёллар бугун касаначилик асосида уйдан чиқмай, ойига 3 миллион сўмдан маош олишяпти. Бунга йўлларимиз асфальтлангани, инфратузилма яхшиланган ҳам катта туртки бўлди.

Аммо мени энг кўп қувонтирган воқеа мусофирликдаги бир йигитимизнинг тақдири бўлди. 2023 йилдаги хатлов жараёнида хорижда меҳнат қилаётган маҳалладошимиз Нодирбекнинг хонадонига кирдик. Шароитларини, имкониятларини ўрганиб, оиласи билан гаплашганимизда, йигитнинг иссиқхоначиликка қизиқиши борлиги маълум бўлди. Биз унга зудлик билан молиявий кўмак бердик, йўл-йўриқ кўрсатдик. Натижада дастлаб 2 сотих ерда кичик иссиқхона билан иш бошлаган бўлса, бугун 3 та 5 сотихли йирик иссиқхона эгасига айланди! У энди мусофирликда сарсон эмас. Ўз уйида, ота-онаси ва оиласи бағрида ўтириб, хорижда топган даромадидан икки баробар кўп маблағ ишлаб топяпти.

Маҳалладошларимнинг мана шундай муваффақиятларини кўрганимда, ҳоким ёрдамчиси бўлиб халққа хизмат қилаётганимдан фахрланиб кетаман.

“ТОП-100”: СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

“МАЙГАЧА ЕРЛАР БЎШ ТУРАДИМИ?..”

Ҳудудимиз кенг, аҳоли сони эса нисбатан кам — 294 минг гектар майдонда атиги 516 нафар фуқаро истиқомат қилади. Маҳалламиз таркибидаги учта қишлоқ бир-биридан 25-30 километр узоқликда жойлашган. Кенг далалар, серунум ерлар ва дарёга яқинлик бу ҳудуднинг ўзига хос қиёфасини белгилайди.

Мейирбек ҚЛИЧБОЕВ, Ромитан туманидаги “Қизилравот” маҳалласи раиси.



Маҳалламизда деҳқончилик дейилганда, биринчи навбатда, шоли етиштириш кўз олдимизга келади. Қарийб 80 фоиз оила айнан шу юмуш билан шуғулланади. Бунинг ҳам ўзига яраша сабаби бор. Дарёга яқин жойлашганимиз туфайли ерда намлик юқори. Шу сабабли бошқа экин турларини етиштириш имконияти чекланган, шоли эса ҳудуд тупроғи ва табиий шароитига мос келади.

Шоликорлик мавсуми май ойида бошланади. Унгача далалар тайёрланади, ер текисланиб, экишга ҳозирлик кўрилади. Май ойидан бошланган жараён кузнинг октябрь ойига қадар давом этади. Олти-етти ойлик меҳнат, сувни бошқариш, экинни парваришлаш ва ҳосилни йиғиштириб олиш — буларнинг барчаси деҳқондан сабр ва тажриба талаб қилади.

Яхши жиҳати — етиштирилган ҳосилга харидор ҳам бор. Маҳсулотларимиз, асосан, Хоразм вилоятидаги тегирмонларга олиб кетилади. Бу иш билан йиллар давомида шуғулланиб, ўз тажрибаси ва харидорларига эга бўлган фуқаролар талайгина. Масалан, Нарзилло Вафоев 40 гектар майдонда шоли етиштиради. Об-ҳаво ва мавсум шароитига қараб, йилига тахминан 280 тоннагача ҳосил олади.

Маҳалламизда бандлик масаласига ҳам шу ҳаётий шароитдан келиб чиқиб ёндашамиз. Йил бошида бор-йўғи олти нафар фуқаро ишсиз сифатида аниқланган эди. Уларнинг барчасини мавжуд имкониятлардан келиб чиқиб, расмий бандликка йўналтирдик.

Масалан, Айдўст Алишев оилавий чорвачилик фаолиятини йўлга қўйиш мақсадида 10 миллион сўм кредит олди. Шунингдек, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалардан бирида яшовчи, илгари ишсиз бўлган Шаҳаргузел Газаковани мактабгача таълим ташкилотига ёрдамчи тарбиячи сифатида ишга жойлаштирдик. Унга ҳам ўз имкониятларини кенгайтириши учун кредит ажратилди.

Энг муҳими, чекка ҳудудда яшаймиз, деб имкониятлардан четда қолишни истамаймиз. Маҳалламизда мактаб, мактабгача таълим ташкилоти, спорт майдончалари ва шифокорлик пункти фаолият кўрсатмоқда. Буларнинг барчаси аҳолининг кундалик ҳаёти, фарзандларимизнинг таълим-тарбияси ва саломатлиги учун хизмат қилади.

Албатта, муаммоларимиз ҳам йўқ эмас. Бугун энг долзарб масалалардан бири — қишлоқларимизни боғлаб турувчи 30 километрга яқин асосий йўлнинг аҳволи. Бу йўл бир қишлоқдан иккинчисига қатновчи аҳоли, ўқувчилар, беморлар ва деҳқонлар учун жуда муҳим. Афсуски, йўлнинг бугунги ҳолати талабга жавоб бермайди. Уни асфальтлаш зарур. Бу масала юзасидан туман мутасаддиларига мурожаат қилганмиз, ҳозирча ижобий ечим кутяпмиз.

ИБРАТ

Ҳаракат билан кичик имконият катта натижага айланди

Одатда, катта ютуқлар ортида улкан сармоялар туради, деб ўйлаймиз. Аммо кичик бир имконият нафақат бир оилани, балки бутун бошли маҳалладошларни боқадиган тадбиркорлик фаолиятига айланиши мумкин.



Сармояси йўқлиги сабабли уйда ишсиз ўтирган аёлнинг бугун ўз маҳалласида кичик ишлаб чиқариш марказини очиб, яна уч нафар хотин-қизни иш билан таъминлагани бунинг ёрқин исботидир.

Ховос тумани Фарҳод номидаги маҳаллада яшовчи Ўрозгул Хидирова кўп йиллардан буён тикувчилик билан шуғулланишни, чиройли либослар тикишни орзу қиларди. Унда истеъдод ва иштиёқ етарли эди, бироқ замонавий тикув машиналари ва зарур хомашё сотиб олиш учун маблағ йўқлиги сабабли уйда ишсиз ўтиришга мажбур бўлаётганди.

Маҳаллаларда камбағалликни қисқартириш ва аҳоли даромадларини оширишга қаратилган тизимли ишлар Ўрозгул опанинг хонадонига ҳам кириб келди. Туман штаби фаоллари унинг иқтидорини пайқаб, қўллаб-қувватлашди.

Кўрсатилган амалий кўмак ва 30 миллион сўм кредит эвазига зарур жиҳозларни харид қилиб, тикувчилик фаолиятини йўлга қўйди.

Эътиборлиси, у фақат ўз оиласини ўйлаш билан чекланиб қолмади. Маҳаллада ишсиз, ҳунари бор, лекин шароити йўқ бўлган яна уч нафар хотин-қизни ёнига чорлаб, уларни ҳам иш билан таъминлади.

ЕТАКЧИ — ЁШЛАРГА КЎМАКЧИ

Ўзбек билан қирғиз ёнма-ён ҳаргиз

Маҳалламиз ўзбек ва қирғиз халқлари бир оиладек, аҳил-иноқ яшаб келаётган файзли маскан. Бу ерда миллатлар турлича бўлиши мумкин, аммо одамларни бирлаштирадиган қадриятлар бир: ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик. Ёшларнинг ҳам орзу-умидлари, интилишлари, келажакка бўлган ишончи муштарак.

Хурсандой ЖУМАНАЗАРОВА, Янгиқўрғон туманидаги “Мўғол” маҳалласи ёшлар етакчиси.

Фаолиятимни бошлаган илк кунларданоқ ҳар бир йигит-қизнинг ҳаётига яқиндан кириб боришга ҳаракат қилдим. Чунки уларнинг муаммоси ҳам, мақсади ҳам бир хил эмас. Кимдир иш топишга, кимдир касб ўрганишга, яна кимдир соғлиғини тиклаш ёки оилавий қийинчиликлардан чиқишга муҳтож. Шу боис дастлаб “Ёшлар баланси” асосида уларнинг ижтимоий аҳволи, оилавий шароити ва имкониятларини ўргандик.



“Ёшлар дафтари”га киритилган 6 нафар ёш билан манзилли иш олиб бориб, 1 нафарини доимий ишга жойлаштирдик, 5 нафарига субсидия асосида меҳнат қуроллари ажратилишига кўмаклашдик.

Бироқ ёшларни қўллаб-қувватлаш фақат иш ёки даромад билан чекланмайди. Баъзан инсонга, аввало, соғлиғини тиклаш, баъзан эса оддий бир эътибор ва далда керак бўлади. Маҳалламизда сурункали касалликка чалинган 8 нафар ёшга тиббий ёрдам кўрсатилди. Уларнинг 4 нафари соғлиғи тикланганидан сўнг касб-ҳунар ўрганиш курсларига жалб қилинди, қолган 4 нафари эса даволанишни давом эттирмоқда. Отаси вафот этган, онаси ишсизлиги туфайли оғир моддий шароитда яшаётган бир нафар қизга паспорт расмийлаштиришда амалий ёрдам бердик. Шунингдек, икки нафар ёшнинг ҳайдовчилик курсларида ўқиши учун харажатлари қопланди.

Мен учун ҳар бир ёшнинг ҳаётидаги кичик ижобий ўзгариш ҳам катта натижа. Айниқса, оғир вазиятга тушиб қолган ўғил-қизларнинг ўз кучига ишониши, жамиятда ўз ўрнини топиши жуда муҳим. Шу мақсадда 7 нафар “қизил” тоифадаги ёш билан индивидуал реабилитация ишларини олиб бордик. Уларни ўқув курсларига жалб этиш, психологик маслаҳатлар бериш ва вақтинчалик иш топишда кўмаклашиш орқали ҳаётга бўлган ишончни мустаҳкамлашга ҳаракат қилдик.

Ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, истеъдод ва қобилиятини юзага чиқариш — эътиборимиз марказида. “Бир юрак — бир орзу”, “Биз бир оиламиз” каби 20 дан ортиқ маданий-маърифий тадбирлар орқали ўзбек ва қирғиз ёшлари янада яқинлашди. “Ибрат фарзандлари” лойиҳасида 51 нафар ёш рўйхатдан ўтиб, уларнинг 45 нафари сертификатга эга бўлди.

Мен ўзимни фақат ёшлар етакчиси сифатида эмас, балки ҳар бир йигит-қизнинг дардини тинглайдиган меҳрибон опа, ишончли дўст ва маслаҳатгўй сифатида намоён этишга интиламан. Зеро, ёшлар билан ишлашда энг муҳими — уларнинг ишончини қозониш, қувончу ташвишларига шерик бўлиш ва ҳар бир муаммога бефарқ қарамасликдир.

ЎЗ ЮРТИНГДА ТОПИЛГАН РИЗҚНИНГ ҚАДРИ БЎЛАК

Мусофирчилик нонининг қанчалик машаққат билан топилишини фақат бошидан ўтказганлар билади. Оила боқиш, рўзғор тебратиш илинжида неча йиллар давомида хорижда ишлаб, соғинч ва изғиринларда кун кечирган Навбаҳор туманидаги “Карвон” маҳалласида яшовчи эр-хотин Раҳмоновларнинг ҳаёти ҳам осон кечмаган.



Шоҳсанам НАЖМИДДИНОВА.

Улар юртига қайтиб келишганда, оила Ижтимоий реестрда, яъни кўмакка муҳтожлар рўйхатида эди. Аммо интилувчан инсонга ўз юртида имконият эшиклари доимо очиқ. Бугун улар томорқасида беданачиликни йўлга қўйиб, нафақат хориждагидан кам бўлмаган даромад топмоқда, балки маҳалладошларига ҳам ўрнак бўлаётир.

Оиланинг ҳаётида янги саҳифа очилишига “маҳаллабай” ишлаш тизими ва жонкуяр инсонлар сабабчи бўлди. Уларнинг хонадонига ҳоким ёрдамчиси Бахтиёр Маҳмудов қадам босганида, меҳнатга иштиёқ борлигини, лекин оёққа туриб кетиш учун бошланғич сармоя етишмаётганини сезди. Шу тариқа оилага 50 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредит маблағлари ажратилишига эришди.

Бу маблағ оила бекаси Зиёда Раҳмонова учун катта имконият пойдеворига айланди. У таваккал қилишдан қўрқмасдан, сердаромад ва нисбатан кам харажат талаб қиладиган соҳа — беданачилик йўналишида оилавий тадбиркорликни бошлаб юборди.


Гўшти ва тухуми минг дардга даво ҳисобланган беданаларни парваришлаш Зиёда опа учун шунчаки севимли машғулот эмас, балки оилавий фаровонлик манбаига айланди.

Бундай баракали меҳнат орқали оила ойига ўртача 8-9 миллион сўм соф даромад кўришни бошлади. Энг қувонарлиси, ҳоким ёрдамчиси Бахтиёр Маҳмудов фақат кредит бериш билан чекланиб қолмади. У оила бошлиғи Эркин Раҳмоновни тумандаги муқим ва яхши маошли ишга жойлаштиришга кўмаклашди.

Эр-хотиннинг икки томонлама шаклланган доимий даромад манбаи қисқа фурсатда оиланинг иқтисодий аҳволини тубдан яхшилади. Раҳмоновлар оиласи ўз меҳнати ва “еттилик” далдаси туфайли Ижтимоий реестрдан расман чиқарилди.

БИЗ — ТАДБИРКОР ОИЛАМИЗ!

Саҳифани “Mahalla” мухбири Шаҳноза ХАЛИЛОВА тайёрлади.





Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ногиронлиги бўлган шахслар ўртасида “ЭНГ ЯХШИ ИЖТИМОИЙ ЛОЙИҲА” республика танловини эълон қилди.



Хотин-қизларнинг замонавий касбларни эгаллаши йўлида амалий кўмак берувчи “ҚИЗЛАР АКАДЕМИЯСИ”нинг янги курслари йўлга қўйилди.



ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ МИЛЛИЙ АГЕНТЛИГИ ходимлари Жанубий Кореянинг пенсия тизими, рақамли хизматлари ва аҳоли билан ишлаш амалиётини ўрганиб қайтди.

ОҚИЛАЛИК — ОИЛА БЕЗАГИ

Яшаб турган ҳаётингиз, бу — аслида бахтсизликми?..

...Бибизилол Хурсанова беш йилдан буён чеварчилик билан шуғулланиб келади. Дастлаб уйида буюртма асосида кийим тикиб, рўзғорига даромад киритаётган эди. Кейинчалик фаолиятини кенгайтириш истаги пайдо бўлди.



Гулмира МАМАСОЛИЕВА, Зомин туманидаги “Пахтакор” ва “Бунёдкор” маҳаллалари хотин-қизлар фаоли.

Ҳоким ёрдамчиси ва банк ходими кўмагида 35 миллион сўм кредит олди. Бугун эса ишлаб чиқариш ҳажми ортиб, машиналар сони 12 тага етди. Айни вақтда аёл ташкил этган микромарказда 15 нафар хотин-қиз меҳнат қилмоқда. Чеварлар, асосан, болалар кийимларини тикиб, харидорларга етказиб беряпти.

Ҳудудимизда **“Янги Ўзбекистон қиёфасидаги маҳалла”** лойиҳаси асосида гастрономик кўча ташкил этилиб, у ерда кўчма савдо нуқталари ва хизмат кўрсатиш шохобчалари барпо этилмоқда. Болалар массажи, тикувчилик, гўзаллик салони каби йўналишлар учун жойлар ажратилган. Саккиз нафар хотин-қиз ўзининг янги фаолиятини бошлаш арафасида. Шу ҳудудда болалар майдончаси ҳам ташкил этилди. Бу ташаббуслар маҳалламизни замонавий қиёфага олиб кириш билан бирга, аҳоли бандлигини таъминлашга ҳам хизмат қилади.

Яна бир истиқболли режамиз — **“Бир кўча — бир маҳсулот”** тамойили асосида гулчиликни ривожлантириш. “Пахтакор” маҳалласидаги бир хонадонда гул етиштириш билан шуғулланувчи тадбиркор аёл тажрибасини бошқаларга ҳам ўргатиш мақсадида маҳорат мактаби ташкил этдик. Тиниқой Мирзаева саккизта маҳалладан келган ишсиз хотин-қизларга гулчилик сирларини ўргатди. Бир ой давом этган 60 соатлик машғулотлар давомида улар назарий билим ва амалий кўникмаларга эга бўлди. Иштирокчиларнинг айримлари келгуси йил баҳоридан бошлаб шу йўналишда ўз фаолиятини йўлга қўйишни режалаштирмоқда.

Албатта, хотин-қизлар билан ишлашда бандлик ягона масала эмас. Оилавий низолар, эр-хотин ўртасидаги келишмовчиликлар ҳам эътиборимиз марказида. Кузатишларимизга кўра, айрим оилаларда муаммо иқтисодий етишмовчиликдан кўра, ўзаро ҳурмат, сабр-тоқат ва бир-бирини тушунмасликдан келиб чиқади. Баъзан арзимас гап катта жанжалга айланади. Келиннинг қайнона-қайнотага нисбатан қўпол муомаласи ёки эр-хотин бир-бирининг кўнглини оғритиши оилавий муносабатларга салбий таъсир кўрсатади.

Шу йилнинг ўзида ҳудудимиздаги икки маҳаллада 30 та оилани яраштиришга муваффақ бўлдик. Яна тўртта оилага муносабатларни қайта кўриб чиқиш, ўйлаб қарор қабул қилиши учун муддат берилди. Уларнинг айримлари уч-беш йил бирга яшаган бўлса-да, фарзанд кўрмагани сабабли ажрашишга қарор қилган. Бундай вазиятда шошма-шошарликка йўл қўймаслик, мутахассислар билан маслаҳатлашиш, бир-бирини қўллаб-қувватлаш муҳимлигини тушунтиряпмиз.

Бугун яна бир жиддий масала бор: ижтимоий тармоқларда намойиш этилаётган сохта фаровонлик ва нореал ҳаёт тарзи баъзи инсонларнинг ўз турмушидан қониқмаслигига сабаб бўлмоқда. Бировнинг ҳаётидаги фақат яхши лаҳзаларни кўриб, ўз оиласидаги оддий қийинчиликларни ҳам бахтсизлик, деб қабул қилаётганлар учраб турибди. **Аслида, ҳар бир оиланинг ўз ташвиши, синови ва ечими бор.** Муҳими, ўз бахтини ўзгалар ҳаёти билан солиштирмаслик.

Оилалар мустаҳкамлигини таъминлашда алимент масаласига ҳам жиддий эътибор қаратиш лозим, деб ҳисоблайман. **Тўланаётган маблағларни болаларнинг номига очилган ҳисобрақамида жамғариш ва ундан 18 ёшдан ошгач, фойдаланиш тартибини кўриб чиқиш керак.** Шунингдек, никоҳдан ажрашиш билан боғлиқ харажатларни ошириш орқали айрим оилавий муносабатларни сақлаб қолишга эришиш мумкин.

Олдимизда мақсадлар кўп. Энг аввало, ишсиз хотин-қизларни касбга ўргатиш, уларни доимий даромад манбаига эга қилиш, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлашни давом эттирамиз. Айни пайтда ҳар бир оилада соғлом муҳитни шакллантириш, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш ва ажрашишларнинг олдини олиш ҳам эътиборимиздан четда қолмайди.

“ТОП-100”: СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

Пайвандчилик ва паррандачилик — даромаднинг икки қаноти

Баъзан ҳудуднинг имконияти оддий хонадонлардаги меҳнат, йиллар давомида шаклланган ҳунар ва одамларнинг тадбиркорликка бўлган интилишида намоён бўлади. Бизнинг маҳалламизда ҳам шундай.

Холиддин КОМИЛОВ, Асака туманидаги “Бозорбоши” маҳалласи раиси.



Бу ерда кимдир пайвандчилик орқали ўз оиласини таъминлаётган бўлса, кимдир паррандачиликдан даромад топмоқда. Энг муҳими, аҳоли меҳнат қилишга, янги йўналишларни ўзлаштиришга тайёр.

Маҳалламиздаги 784 та хўжаликнинг 500 таси пайвандчилик билан шуғулланади. Улар дарвоза, сўри, иссиқхона, айвон ва панжаралар ясайди. Буюртмалар фақат ўз ҳудудимиздан эмас, республиканинг турли вилоятларидан келади. Кўпчилик ўзини ўзи банд қилган ҳолда ишлаётган бўлса, айримлари масъулияти чекланган жамият ташкил этиб, фаолиятини кенгайтирган.

Масалан, пайвандчи Билолиддин Комиловнинг қўлида 15 нафар киши меҳнат қилади. У республиканинг турли ҳудудларидан буюртма олади. Адҳамжон Мирзабаҳромов, Машрабжон Турдиев каби ҳунармандларнинг ҳам ўз шогирдлари ва доимий мижозлари бор. Бу ерда бир ҳунарнинг ўзи кўплаб оилалар учун даромад манбаига айланган.

Хотин-қизлар орасида эса паррандачилик кенг тарқалган. Айрим хонадонларда 1-2 мингтагача жўжа парваришланади. Бир ой атрофида боқилган паррандалар гўшт учун сотилади. Бу соҳага ўзим ҳам 18 ёшимдан буён қизиқаман, тажрибам бор. Шу боис аҳолига парранда боқиш, уни парваришлаш ва даромад олиш усулларини ўргатиб келяпмиз.

Албатта, мавжуд имкониятлар билан чекланиб қолиш ниятимиз йўқ. Ҳудудимизда ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш, аҳоли даромадини ошириш ҳақида ўйлаяпмиз. Бунинг учун, аввало, бозор талабини ўрганиш, қайси маҳсулотга эҳтиёж юқорилигини аниқлаш муҳим.

Яқинда Тошкент вилоятидаги маҳаллалардан бирида кўкатчилик яхши йўлга қўйилганини кўрдим. Айниқса, совуққа чидамли навларни етиштириш тажрибаси эътиборимни тортди. Бу йўналишни маҳалламизнинг бир кўчасида тўлиқ йўлга қўйишни режалаштиряпмиз.

Келгусида хурмо етиштиришни ўйлаб турибмиз. Бу экиннинг бозори чаққон, сувсизлик ва иссиққа нисбатан чидамлилиги биз учун муҳим жиҳат. Агар тажриба муваффақиятли бўлса, уни кенгайтириб, хонадонлар учун янги даромад манбаини яратиш мумкин.

Нега айнан озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришга эътибор қаратяпмиз? Чунки бугун бозорда талаб юқори бўлган маҳсулотни етиштириш нафақат хонадон иқтисодиётини мустаҳкамлайди, балки мамлакатимиз озиқ-овқат таъминотига ҳам ҳисса қўшади.

Маҳалла раиси сифатида ҳудуддаги ижтимоий муҳит, ёшлар тарбияси ва жамоатчилик ҳамжиҳатлигига алоҳида эътибор қаратаман. Бу борада оқсоқоллар билан доимо маслаҳатлашиб ишлаймиз. Зиёли оилалар, катта ёшдаги ўқитувчилар билан мулоқот қиламиз. Ҳудудимизда 48 нафар шифокор бор. Уларнинг тажрибаси ва жамоатчиликдаги нуфузидан ҳам маҳалла ҳаётида самарали фойдаланишга ҳаракат қиламиз.

Шу ўринда бир таклифни ўртага ташламоқчи эдим. Имкон қадар маҳаллаларда ишлаб чиқариш кўламини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратиш зарур. Бу бандлик ва халқнинг фаровон турмуш кечиришига замин яратиши шубҳасиз.

ФАОЛ ҲАЁТГА ҚАДАМ

“ИНСОННИ СЕВСАНГИЗ, ХАЛҚНИ СЕВАСИЗ...”

Мен учун ижтимоий ходимлик шунчаки касб эмас, инсон тақдирига дахлдор масъулиятдир. Бу вазифада ишлаш учун билим ва малака билан бирга, одамларнинг дардини тинглаш, уларнинг ҳолатини тушуниш ва муаммосига бефарқ бўлмаслик зарур. Устозимнинг “Инсонларни севганларгина халқ билан ишлай олади”, деган сўзлари ҳамиша ёдимда.



Санобар РАҲМОНОВА, Чиноз туманидаги “Эҳтиром” маҳалласи ижтимоий ходими.

Маҳаллада фаолият юритар эканман, ҳар бир мурожаат ортида алоҳида бир тақдир турганини ҳис қиламан. Шундай оилалардан бири билан олиб борган ишимиз эса касбимнинг асл моҳиятини яна бир бор англатди.

Саккиз нафар аъзодан иборат бу оилада олти фарзанд вояга етаётганди. Уларнинг бири иккинчи гуруҳ ногиронлиги бўлган бола. Ота-она ишсиз, хонадоннинг доимий даромад манбаи йўқ. Моддий қийинчиликлар, болаларнинг таълим-тарбияси, ногиронлиги бўлган фарзандининг эҳтиёжлари ва яшаш шароити бир-бири билан чамбарчас боғлиқ муаммолар эди.

Дастлабки ўрганиш жараёнида яна бир жиддий тўсиқ аниқланди. Оила аъзолари Қирғизистон Республикаси фуқаролари бўлиб, Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини тасдиқловчи ҳужжатга эга эмасди. Бу ҳолат уларнинг мамлакатимиздаги қатор ижтимоий хизматлар ва давлат кўрсатадиган ёрдамлардан фойдаланишини қийинлаштираётганди.

Шу боис ишни, энг аввало, ҳуқуқий масалани ҳал этишдан бошладик. Тегишли идоралар билан ҳамкорликда ҳужжатларни расмийлаштириш ва фуқаролик масаласини ҳал қилиш бўйича амалий кўмак кўрсатилди. Натижада оила аъзоларининг фуқаролик масаласи ҳал этилди. Бу бир оила учун янги имкониятлар эшигини очиш эди.

Кейинги босқичда оила белгиланган тартибда Ижтимоий реестрга киритилиб, болалар нафақаси тайинланишига эришилди. Бироқ бу билан иш тўхтаб қолмади. Чунки нафақа оиланинг бугунги эҳтиёжини енгиллаштирса-да, унинг эртанги кунини таъминлаш учун доимий даромад манбаи зарур эди.

Шу боис энг муҳим масалалардан бири ота-онанинг бандлигини таъминлаш бўлди. Айни мақсадда турмуш ўртоғининг ишга жойлашишига амалий ёрдам кўрсатилди. Аёлнинг ҳам бандлигини таъминлаш чоралари кўрилди. Натижада ота-она доимий даромад манбаига эга бўлди.

Бу ўзгариш оиланинг моддий аҳволини яхшилаш билан бирга, ота-онанинг ўз меҳнати орқали рўзғор тебратиш ва фарзандлари келажагини таъминлашга бўлган ишончини ҳам мустаҳкамлади.


Ногиронлиги бўлган фарзанд Зафарбекнинг эҳтиёжлари эътиборимиздан четда қолмади. Унга ҳомийлик асосида ҳаракатланишда фойдаланиши учун ҳасса ажратилди. Бундан ташқари, унинг жамият ҳаётида фаол иштирок этиши ва қобилиятини ривожлантириши учун шахмат-шашка йўналиши бўйича машғулотларга йўналтирдик.

Оила қизларининг таълим олиши ва кундалик эҳтиёжларини таъминлаш ҳам алоҳида эътибор талаб этди. “Саховат ва кўмак” жамғармаси ҳисобидан уларга ўқув қуроллари, кийим-кечак ва озиқ-овқат маҳсулотлари ажратилишига эришилди.

Қизлардан бирининг билим олиш имкониятини кенгайтириш мақсадида уни хусусий ўқув марказида инглиз тилини бепул ўрганишга жалб этдик. Шунингдек, боғча ёшидаги икки нафар фарзанд имтиёзли равишда мактабгача таълим ташкилотига жойлаштирилди.

Шу тариқа, бир оиланинг ўзаро боғлиқ муаммолари бир нечта йўналишдаги ижтимоий хизмат ва кўмак орқали ҳал этилди. Фуқароликни расмийлаштириш, ижтимоий нафақа, ота-онанинг бандлиги, ногиронлиги бўлган фарзандни қўллаб-қувватлаш, қизларнинг таълими, мактабгача таълим ва уй-жой шароитини яхшилаш — буларнинг ҳар бири оила ҳаётида янги имкониятга айланди.

Ижтимоий ходимнинг вазифаси инсонга ўз ҳаётини ўзгартириш учун йўл очиш ва мустақил қадам ташлашига кўмаклашишдир. Зеро, инсонга берилган ёрдам унинг бугунги эҳтиёжини қондириши мумкин, аммо берилган имконият бутун келажагини ўзгартириши аниқ.



НОЗИК ЖУССАДАГИ НОДИР ФАЗИЛАТ

Меҳр бу ҳамиша дардларга малҳам бўлган

Пешку тумани марказидан 180 километр узоқда жойлашган овулда яшовчи аҳоли учун малакали тиббий ёрдамнинг ўз манзилида кўрсатилиши айни муддао.

Олис масофа, йўл ва транспорт билан боғлиқ қийинчиликлар баъзан беморнинг ўз вақтида шифокорга мурожаат қилишига тўсқинлик қилади.

Бундай шароитда қишлоқ шифокорининг вазифаси янада масъулиятли тус олади. У нафақат беморни даволайди, балки касалликларнинг олдини олиш, аҳоли саломатлигини мунтазам назорат қилиш ва ҳар бир хонадонда тиббий маданиятни шакллантиришга ҳам ҳисса қўшади.

“Жонгелди” маҳалласи оилавий шифокори Гулинур Айимбетова ана шундай масъулиятли вазифани зиммасига олган тиббиёт ходимларидан. У 2015 йилдан буён бирламчи тиббий-санитария ёрдами тизимида фаолият юритиб, қишлоқ аҳолиси саломатлигини асраш, касалликларни эрта аниқлаш ва беморларга малакали тиббий ёрдам кўрсатиш йўлида меҳнат қилиб келмоқда.

“Жонгелди” маҳалласи маъмурий жиҳатдан Сафрон, Қалъаота ва Жонгелди қишлоқларини қамраб олади. Кенг яйловлари билан ажралиб турадиган ҳудудда 773 нафар аҳоли истиқомат қилади. Бу ҳудудда тиббий хизматни ташкил этишнинг ўзига хос қийинчиликлари бор. Масофанинг узоқлиги туфайли ҳар бир беморнинг туман марказига бориши ҳам вақт, ҳам маблағ талаб қилади. Шу маънода, қишлоқ тиббиёт муассасасининг замонавий шароитларга эга бўлиши аҳоли учун муҳим аҳамият касб этади.

Ўтган йилларда “Обод қишлоқ” давлат дастури доирасида овул поликлиникасини қуриш ва жиҳозлаш учун бюджет маблағлари ҳисобидан 3,8 миллиард сўм ажратилди.

*— Пунктимиз қайта қуриб берилгани биз учун катта воқеа бўлди. Илгари саломатлигидан шикоят қилиб келган беморларни ҳатто оддий лаборатория текширувларидан ўтказиш учун ҳам туман марказига юборишга тўғри келарди. Энди эса замонавий ва шинам поликлиникамизда барча зарур шарт-шароитлар яратилган. Бу овулдошларимизга шу ернинг ўзида сифатли тиббий хизмат кўрсатиш имконини бермоқда, — **дейди Гулинур Айимбетова.***

Олис қишлоқда шифокор бўлиш осон эмас. Бу касб эгасидан чуқур билим ва тажриба билан бирга сабр-тоқат, матонат ва юксак масъулият талаб этади. Айниқса, беморнинг ҳолатини тўғри баҳолаш, зарур пайтда тезкор қарор қабул қилиш ва ҳар бир инсонга индивидуал ёндашиш муҳим.



Саҳифани “Mahalla” мухбири Шаҳноза РАҲИМХЎЖАЕВА тайёрлади.



БУХОРО ТУМАНИДАГИ “СОҲИБКОР” МАҲАЛЛАСИДА ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида манзилли ўрганиш ва тарбиявий профилактик тадбир ўтказилди.



НАМАНГАН ШАҲРИДАГИ “ЗАРАФШОН” МАҲАЛЛАСИДА оилавий-маиший муносабатлар доирасида содир этилган жиноятлар кенг муҳокама қилинди.



ФАРҒОНА ШАҲРИДАГИ “ҲАМКОРЛИК” МАҲАЛЛАСИДА кўп қаватли уйлар атрофига, кўча йўлакларига тунги ёритиш мосламалари ўрнатилди.

Mahalla №91 2026 ЙИЛ 11 НОЯБРЬ, ЧОРШАНБА

Пора, бу — жиноятчиларнинг ўз айбини яшириш учун ишлатадиган сўнгги чораси

ХАВФСИЗ МАҲАЛЛА

Маҳалла кўчалари бўйлаб юрганимда, кўпчилик мени шунчаки “ҳужжат текширувчи”, деб ўйлаши мумкин. Баъзан “хонадонбай” юриб ўрганганимизда айрим фуқаролар нигоҳида “яна текширувми?”, деган норозиликни сезаман. Одамларни тушунаман — ҳар ким ўз уйида хотиржам яшашни хоҳлайди. Лекин касбим тақозоси — мана шу хотиржамлик ортидаги кўзга кўринмас хавфларни вақтида пайқаш. Чунки осойишта кўринган деворлар ортида баъзан бутун бошли жиноий режалар пишиб етилаётган бўлади.

ЖИНОЯТНИ ЖИЛОВЛАШ МАЖБУРИЯТНИ АНГЛАШДАН БОШЛАНАДИ

Ҳушёрлигимиз йирик жиноий тармоқни фош этди

Ортиқ ОМОНОВ,
Яккасарой туманидаги “Тепа” маҳалласи профилактика инспектори.

Кунлик хизмат вазифам давомида маҳалладаги ҳар бир хонадонни кузатишга ҳаракат қиламан. Ўша куни ҳам одатдагидек ҳудудни кўздан кечираётган эдим. Маҳалламизда узоқ вақтдан бери “бўш хонадон” сифатида рўйхатда турган уйларнинг биридан тўсатдан бир йигит чиқиб қолди. Профессионал синчковлик ва ички бир туйғу мени тўхташга мажбур қилди.



У билан суҳбатга киришдим. Йигит хориж фуқароси экан. Саволларимга жавоб бераркан, уйда яна икки нафар шериги борлигини айтди. Бироқ унинг паспортини кўздан кечирганимда, Ўзбекистон ҳудудига бундан икки ой аввал кирганига қарамай, ҳеч қандай тураржой бўйича рўйхатдан ўтмагани маълум бўлди. Шерикларини чақиртирдим — уларда ҳам аҳвол худди шундай эди.

Айнан шу пайт ичкарида қандайдир шубҳали ҳаракатлар, шитир-шитирлар қулоғимга чалинди. Бу оддийгина рўйхатдан ўтмаслик эмас, балки жиддийроқ нарсанинг нишонаси эди. Уй ичига кириб, вазиятни янада чуқурроқ текширмоқчи бўлганимда, хонадон ичидан яна бир фуқаро чиқди-да, кутилмаганда менга 1 000 АҚШ доллари миқдорида пул таклиф қилди.

Пора, бу — жиноятчиларнинг ўз айбини яшириш учун ишлатадиган сўнгги чораси. Мени сотиб олмоқчи бўлишгани, шубҳаларим тўғри эканини узил-кесил тасдиқлади. Вазият жиддийлигини англаб, совуққонликни сақлаган ҳолда, зудлик билан навбатчилик қисмига хабар бердим.

Тез орада воқеа жойига тезкор тергов гуруҳи ва қўшимча кучлар етиб келди. Биз хонадонни кўздан кечирганимизда, кўз ўнгимизда оддий уй эмас, балки замонавий технологиялар билан жиҳозланган ҳақиқий яширин жиноий марказ намоён бўлди.

Олиб борилган суриштирувлар давомида ушбу хонадонда 25 нафар хориж фуқароси тўпланган аниқланди. Улар бошқа давлатлардаги ўз ватандошларининг ишончига кириб, алдов йўли билан пул ундириш, яъни йирик тармоқли фирибгарлик билан шуғулланувчи ноқонуний “колл-марказ” (Call-center) ташкил этишган экан.

Тезкор тадбир давомида холислар иштирокида ашёвий далиллар ҳужжатлаштириб олинди. Жумладан, 700 га яқин мобиль телефон, 34 та ноутбук ва 14 та компьютер, 7 дона “Wi-Fi” роутер ҳамда 60 000 АҚШ доллари миқдоридаги нақд пуллар мусодара қилинди.

Жиноятчилар фойдаланган телефон ва компьютерлар текширилганда, уларнинг ичида олдиндан пухта тайёрланган фирибгарлик тузилмалари, одамларни алдаш бўйича махсус йўриқномалар ва махфий режалар борлиги фош бўлди. Ҳозирда ушбу ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Бугун маҳалладошларим билан кўришганимда, уларнинг кўзида аввалги шубҳа ёки норозилик эмас, балки чуқур миннатдорлик ва ҳурматни кўраман. Агар ўша куни “хонадонбай” юриб, шу эшик олдида тўхтамаганимда, биргина шубҳали нигоҳга эътибор бермаганимда, юзлаб, балки минглаб беайб инсонлар фирибгарларнинг тузоғига тушиб, бор-будидан айриларди.

Профилактика инспекторининг сергаклиги шунчаки хизмат вазифаси эмас. Бу — сизнинг, фарзандларингизнинг ва маҳалламизнинг тинч ухлаши учун қўйилган кўзга кўринмас қалқондир. Тинчлик эса ҳеч қачон ўз-ўзидан келмайди, уни биргаликда, ҳушёрлик билан асрашимиз керак.

“ТОП-100”: СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

БАХТ, АСЛИДА, ОДАМЛАР ЮЗИДАГИ ХОТИРЖАМЛИКДА

Бу инсонлар ҳар доим “Эътибордагилар”...

Бахтни ҳар ким ҳар хил тасаввур қилади. Уни кимдир узоқ сафарлардан, кимдир катта муваффақиятлардан қидиради. Мен эса бу тотли ҳисни ҳар куни эрталаб маҳалламиз кўчаларини айланаётганимда, одамларнинг юзидаги хотиржамликда туяман.

Нормурод ҒОИПОВ,
Сирдарё туманидаги “Янгиобод” маҳалласи раиси.



Яқинда энг намунали маҳаллалар рейтингида эътироф этилдик. Бу хабардан қалбим фахрга тўлди. Тўғриси, юксак эътироф нафақат менга, балки ҳар бир янгиободликка чексиз қувонч улашди. Тан олиш керак, мукофотни ҳар бир маҳалла ходими орзу қилади. Бу муваффақият ўз-ўзидан бўлмади. Ютуқларимиз замирида кўзга кўринмайдиган, аммо ҳар куни чекиладиган машаққатли меҳнат ётибди.

Энг намунали бўлишнинг ўз омиллари бор. Маҳалла қиёфасини буткул ўзгартириш ва энг муҳими, аҳолимизнинг розилигига эришиш мақсадида “Инсон қадри учун” тамойили асосида бунёдкорлик ишларини бошлаб юборганмиз.

Маҳалламизда узоқ йиллардан бери одамларни қийнаб келган муаммолар тизимли равишда ҳал этилмоқда. Ҳудудда 1 300 метр пиёдалар йўлаги қуриш ва 50 дона тунги чироқлар ўрнатишни режа қилгандик. Бугун бу юмушлар ортиғи билан бажарилди. Энди тунда ҳам кўчаларимиз ёруғ ва хавфсиз.

Шу ўринда бир қизиқ воқеа ёдимга тушди. Яқинда кўчаларимизга тунги ёритгич чироқлари ўрнатилиб, пиёдалар йўлаги ишга тушган илк кунлар эди. Кечки пайт ёши улуғ нуронийлардан бири Аҳмад бобо набиралари билан сайр қилиб юрган экан.

Мени кўрган бобо ҳассасини ерга тираб, чироқларга ишора бериб, “маҳалла худди шаҳардек чароғон бўлиб кетганидан уйда ўтиролмадим. Оёғимдаги оғриқ ҳам эсдан чиқди”, деди.

Ўшанда ичимдан ўтган қувончни таърифлаб беролмайман. Одамларнинг мана шундай оддий бахти чарчоқларимизни бир зумда тарқатиб юборади.

Энг катта оғриқли нуқтамиз бўлган тоза ичимлик сув масаласи тезда ҳал бўлди. Меҳр, Кумуш, Олтин водий ва Жилға кўчаларига жами 2 010 метр сув тармоғи тортилди, 1 та сув минораси ўрнатилди. Электр таъминотини яхшилаш учун 6,5 км. масофада янги тармоқ тортилди. Режалаштирилган 120 та темирбетон устунлар қўйилди. Шунингдек, табиий газ қувурлари тартибга келтирилди. Ички йўлларимизга эса 4 километр тош-шағал аралашмаси ётқизилди.

Яхшилар сафида бўлиш учун фақат инфратузилма тартибга келиши етарли эмас. Шу боис биз маҳалламизда **“Эътибордагилар” деб номланган махсус лойиҳани йўлга қўйдик.** У учта муҳим йўналишни қамраб олган.

“Кексаларни эъзозлаш — халқимизга хос эзгу фазилат” дастурида ёлғиз нуроний отахон ва онахонларимиз ҳолидан хабар олиб, уларнинг дуосига эришяпмиз. Бой ҳаётий тажрибаси ёшларни тарбиялашда маёқ бўляпти.

Иккинчи дастурда **ногиронлиги бўлган ёшларимизни жамиятдан ажратиб қўймай, уларни инклюзив таълимга, меҳнатга жалб қиляпмиз.**

“Ажрашиш — ечим эмас” дастурида ёш оилаларнинг ажралиб кетишини олдини олиш, уларни асраб қолиш учун бор кучимизни беряпмиз. Муаммоларни оила бузилгунча ҳал этиш чораларини кўряпмиз.

Бу лойиҳа тақдирлар ўзгаришига хизмат қиляпти. Масалан, яқинда тоғаси қарамоғида яшаётган ака-сингил Шаҳзод ва Сарвиноз Кенжаевалар хонадонида бўлдик. Уларнинг келажакда юртимизга керакли салоҳиятли кадр бўлиб етишиши учун лойиҳа доирасида амалий ёрдам кўрсатдик.

Лойиҳамизнинг яна бир қаҳрамони — 29 ёшли Нигина Ҳидоятова. У ногиронлиги сабабли “Ёшлар дафтари”да турарди ва алоҳида кўмакка муҳтож эди. Ишчи гуруҳимиз билан Нигинанинг хонадонига бориб, муаммоларини тингладик ва керакли кўмакни бердик. Ҳар бир хонадондан чиқарканмиз, елкамдаги масъулиятни янада чуқурроқ ҳис қиламан.

“Янгиобод” маҳалласи ўзгаряпти, янгиланяпти. Энг яхшилар сафида бўлиш бизга куч беради, аммо тўхтаб қолишга ҳаққимиз йўқ. Халқимиз биздан янада катта ўзгаришларни кутяпти.

СОЛИҚЧИ — КЎМАКЧИ

Бу хонадон тонгидаги файз бошқача...

Ишнинг кўзини билган одам учун бугун ҳар бир имконият даромад манбаига айланиши мумкин. Муҳими, ташаббусни кўриш, уни тўғри йўналтириш ва бошланган ишнинг самарасини ҳисоб-китоб билан баҳолай билиш. Солиқ инспектори сифатида фаолиятим давомида шу жиҳатга алоҳида эътибор қаратаман.

Фаррух АБДУЛЛАЕВ,
Данғара туманидаги “Ғумойли”, “Пишқарон”, “Урганжи”, “Тумор”, “Қияли” маҳаллалари солиқ инспектори.

Айниқса, одамларимизнинг ўз ташаббуси билан даромадли иш бошлаётгани қувонарли. Бундай хонадонларни ўрганар эканмиз, уларнинг тажрибасини бошқаларга ҳам намуна сифатида кўрсатишга ҳаракат қиламиз. “Пишқарон” маҳалласида яшовчи Фаёз Ўринов хонадони бунга яхши мисол бўла олади.

Бу хонадонда тонг бошқача файз билан отади. Ҳали кун тўлиқ ёришмасидан оила аъзолари чорва ташвишига киришади. Боиси, хонадонда 100 бошдан ортиқ қўй ва 40 бошдан зиёд наслли эчки парваришланади. Бу бутун оила аъзоларининг меҳнати, масъулияти ва ҳамжиҳатлигига таянган оилавий тадбиркорликдир.

Хонадон соҳиблари бир неча йил аввал эчкичиликни оила эҳтиёжи учун бошлаган. Вақт ўтиши билан бу қизиқиш даромадли фаолиятга айланган. Айниқса, сут йўналишидаги Европадан келтирилган наслли эчкиларни парваришлашга алоҳида эътибор қаратилган. Хонадон соҳибининг айтишича, уларни танлашда сутнинг озиқавий қиймати, таркибидаги оқсил, кальций ва бошқа фойдали моддалар муҳим ўрин тутган. Дастлаб оила аъзоларининг истеъмоли учун бошланган бу иш кейинчалик маҳсулот етиштириш ва сотиш орқали даромад келтира бошлаган. Бугунги кунда хонадонда сутнинг доимий харидорлари бор. Сутдан қатиқ ва қурт тайёрланиб, буюртма асосида етказиб берилади.

Хонадон соҳиблари билан дастлабки суҳбатларимизда чорвачиликнинг иқтисодий фойдаларини бирма-бир ҳисоблаб чиқдик. Кунлик озуқа ва парвариш харажатлари тахминан 350-400 минг сўмни ташкил этади. Бир кунда олинадиган 20-30 литр сутдан тайёрланадиган маҳсулотлар сотуви эса ушбу харажатларни қоплашга, қолаверса, оила бюджетига қўшимча даромад киритишга хизмат қилмоқда. Харажатлар қопланганидан кейин яна 300-400 минг сўм атрофида даромад қолади.




Албатта, бундай натижага эришиш учун фақат наслли чорва сотиб олишнинг ўзи кифоя қилмайди. Озодалик, тоза сув, сифатли озуқа ва белгиланган вақтда парваришлаш муҳим. Хонадон эгалари қарийб уч йил давомида тўплаган тажрибаси асосида ҳар бир эчкининг ҳолатига алоҳида эътибор қаратишади.

Мен бу оила мисолидаги тажрибани бошқаларга ҳам тавсия этиш мумкин, деб ҳисоблайман. Шу боис ҳоким ёрдамчиси билан биргаликда қизиқиш билдирган фуқароларга ушбу йўналишнинг имкониятлари, бошланғич харажатлари ва кутилаётган даромадлари ҳақида тушунтириш ишларини олиб боряпмиз. Айниқса, бу соҳада тажрибаси бўлмаганларга шошилмасдан, аввало бозор талабини, чорва парвариши учун шароитни ва кунлик харажатларни ҳисоблаб чиқиш зарурлигини уқтирамиз.

Фаёз Ўринов хонадонидаги каби ташаббуслар кўпайса, оилаларнинг даромади ошади, янги имкониятлар пайдо бўлади. Энг муҳими, одамлар ўз меҳнати билан фаровон ҳаёт қуриш мумкинлигини амалда кўради. Мен учун фаолиятимнинг энг яхши натижаси ҳам шу — хонадонларга даромад келтирадиган ғоялар, амалий тавсиялар ва янги имкониятлар билан кириб боришдир.

Саҳифани “Mahalla” мухбири Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ тайёрлади.





БИЛИШИНГИЗ КЕРАК!

Қарздорлик борми? Аввал ҳужжатларни текширинг!

Тадбиркорлик фаолиятида маҳсулот етказиб бериш ёки хизмат кўрсатиш билан боғлиқ ҳисоб-китоблар ҳар доим ҳам ўз вақтида амалга ошавермайди. Баъзан тадбиркор ўз маҳсулотини харидорга етказиб беради, хизматини бажаради, бироқ келишилган тўловни ўз вақтида ололмайди. Натижада дебиторлик қарздорлиги юзага келади.

Масалан, бир тадбиркор бошқа корхонага 50 миллион сўмлик маҳсулот етказиб берди. Шартномага кўра, харидор тўловни 30 кун ичида амалга ошириши керак эди. Аммо харидор молиявий қийинчиликларни важ қилиб, пулни ўтказишни кечиктирди. Етказиб берувчи эса маҳсулотни сотган бўлса-да, пулини ололмади. Шу билан бирга, унинг солиқ мажбуриятлари бўйича қарздорлиги юзага келди.

Ана шундай ҳолатларда “Солиқ” иловасидаги шахсий кабинетга келиб тушадиган билдиришномаларни эътиборсиз қолдирманг. Солиқ кодексининг 121^1-моддасига мувофиқ, билдиришнома олинган кундан бошлаб 10 иш куни ичида дебитор қарздорликни тасдиқлаш ёки тасдиқловчи ҳужжатлар билан асослантирилган эътироз билдириш мумкин.

Унутманг, ҳужжатлар тадбиркорнинг энг ишончли ҳимоячисидир. Қарздорлик мавжуд бўлмаса ёки нотўғри ҳисобланган бўлса, буни ўз вақтида ҳужжатлар билан исботлаш муҳим.



ГУЛИСТОН ТУМАНИДАГИ “МУСТАҚИЛЛИК” МАҲАЛЛАСИДА “Яшил макон” лойиҳаси доирасида янги маҳалла боғи барпо этилди.



Сирдарё вилояти туман ва шаҳар ҳокимлари ҚАМАШИ ТУМАНИДАГИ “ЧИМ” МАҲАЛЛАСИ тажрибасини жойига бориб ўрганишди.



ЯНГИАРИҚ ТУМАНИДАГИ “БАЁТ” МАҲАЛЛАСИДА гиёҳвандлик ва наркожиноятларга қарши тарғибот тадбири ўтказилди.

КУН МАВЗУСИ

ЯХШИЛИКНИНГ МЕЪЁР ВА МЕЗОНЛАРИ БОР

Жамиятда ёрдамга муҳтож инсонлар, эътибор ва кўмак кутаётган оилалар, ёлғиз кексалар бор экан, уларнинг ташвишини енгиллатиш фақат давлат ташкилотлари ва мутахассисларнинг вазифаси бўлиб қолмаслиги керак. Бу жараёнда жамоатчилик, айниқса, ёшларнинг ташаббуси ва фаоллиги муҳим ўрин тутади. Бироқ кўнгиллилик фаолиятини кенгайтириш ҳақида гап кетганда, унинг фақат яхши ният ва хоҳиш-истакка асосланиши етарли эмаслигини ҳам унутмаслик лозим.

Шаҳноза РАҲИМХЎЖАЕВА, журналист.



Масалан, оғир ҳаётий вазиятга тушиб қолган оилага ёрдам бериш жараёнида нотўғри савол бериш, инсоннинг шахсий ҳаётига дахл қилиш ёки унинг муаммосини бошқаларга ошкор этиш вазиятни янада мураккаблаштиради. Болалар, кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар билан ишлашда эса бундай хатоларнинг оқибати янада жиддий бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Демак, волонтёрликда психологик ёндашув, ҳуқуқий билим, мулоқот маданияти ва масъулият жуда муҳим.

Амалиётда ташаббусларнинг аксарият ҳолларда муайян тадбир ёки акция доирасида чекланиб қолишига гувоҳмиз. Бир марталик хайрия тадбирида иштирок этиш билан ижтимоий муаммони мунтазам ўрганиш, уни ҳал этишга ҳисса қўшиш ва натижани кузатиб бориш ўртасида катта фарқ бор. Волонтёрликнинг барқарор тизими шаклланиши учун кўнгиллиларни қаерга, қандай вазифага ва қайси масъул ташкилот кўмагида жалб этиш масаласи аниқ бўлиши зарур.

ЯНГИ ЁНДАШУВ ҚАНДАЙ НАТИЖА БЕРАДИ?

Ана шу муаммоларни бартараф этиш, кўнгиллилик фаолиятини кенгайтириш ва уни жамият ҳаётининг муҳим йўналишига айлантириш мақсадида 2026 йил 6 ноябрда **“Волонтёрлик фаолиятини янада оммалаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент фармони** қабул қилинди.

Ҳужжатда аҳоли, айниқса, ёшларда ижтимоий масъулият, ҳамжиҳатлик, ўзаро ёрдам ва раҳм-шафқат туйғуларини шакллантириш, ижтимоий ҳимояга муҳтожлар, ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга беғараз ёрдам кўрсатиш, шунингдек, атроф-муҳитни муҳофаза қилишга қаратилган хайрия ташаббусларини кенгайтириш устувор вазифалар сифатида белгиланган.

Фармонда волонтёрларни моддий ва маънавий рағбатлантириш чоралари назарда тутилган, “Фидойи волонтёр” кўкрак нишонининг таъсис этилиши эса кўнгиллиликни жамият манфаати йўлидаги муҳим фаолият сифатида эътироф этишга қаратилган.

Фармонга мувофиқ, 2027 йилдан аҳоли, айниқса, ёшлар ва давлат хизматчиларининг волонтёрлик бўйича билим ва кўникмаларини шакллантириш чоралари кўрилади. “Service Learning” дастури асосида қисқа муддатли ўқувлар ташкил этилади, олий таълим муассасалари талабалари ва техникум ўқувчилари учун “Касбий волонтёрлик” дастури амалга оширилади.

“Service Learning” дастури волонтёрлик фаолиятига жалб этиладиган инсонларнинг тайёргарлигини оширишда муҳим ўрин тутиши мумкин. Бироқ ўқувлар умумий тушунчалар билан чекланиб қолмаслиги керак. Унда волонтёрлик этикаси, ижтимоий мулоқот, низоли вазиятларни ҳал қилиш, биринчи ёрдам кўрсатиш, шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш ва жамоа билан ишлаш каби йўналишлар қамраб олиниши зарур.

Бундан ташқари, назария билан амалиёт уйғунлашиши лозим. Чунки волонтёрликка тайёрланаётган инсон фақат қандай ёрдам беришни эмас, балки қайси ҳолатда мутахассисга мурожаат қилиш, ўз ваколати доирасидан чиқмаслик ва ёрдам олувчининг қадр-қимматини ҳурмат қилишни ҳам билиши керак. Бунинг учун ўқув жараёнида тажрибали мутахассислар иштирокини таъминлаш, амалий машғулотлар ўтказиш ва эгалланган кўникмаларни баҳолаш мақсадга мувофиқ.

МУҲИМ ҲАЁТИЙ ТАЖРИБА

Фармондаги эътиборли янгиликлардан бири — “Инсон” ижтимоий хизматлар марказларига ижтимоий ходимларни ишга қабул қилишда волонтёрлик тажрибасига устунлик берилишидир.

Бу бежиз эмас. Ижтимоий ходим фаолиятида инсон билан ишлаш қобилияти, унинг муаммосини тинглаш ва эҳтиёжини тўғри англаш жуда муҳим. Масалан, ёлғиз кекса инсон, ногиронлиги бўлган шахс ёки оғир вазиятдаги оила билан ишлашда фақат касбий билимнинг ўзи етарли бўлмаслиги мумкин. Инсонпарварлик, сабр, ҳамдардлик ва масъулият ҳам талаб этилади. Волонтёрлик эса ана шу фазилатларни амалиётда шакллантиришга ёрдам беради.

Бундан ташқари, волонтёрлик фаолиятини фақат пойтахт ёки йирик шаҳарлар билан чеклаб қўймаслик керак. Чекка ҳудудларда ҳам кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар ва таълимда қийналаётган болалар билан ишлашга эҳтиёж бор. Бу жараёнда маҳаллалар, таълим муассасалари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва ижтимоий хизматлар марказлари ўртасидаги ҳамкорлик муҳим ўрин тутади.

НАТИЖА СОН БИЛАН ЭМАС, СИФАТ БИЛАН ЎЛЧАНАДИ

Волонтёрлик дастурларини баҳолашда фақат қанча киши жалб этилгани ёки нечта тадбир ўтказилганига қараш етарли бўлмайди. Масалан, юзлаб ёшлар бир марталик тадбирда иштирок этиши мумкин, аммо бу уларда барқарор ижтимоий фаоллик шаклланганини англатмайди.

Шунинг учун баҳолаш мезонлари ҳам мазмунан ўзгариши керак. Волонтёрлар қанча вақт фаолият юритди? Қандай муаммоларни ҳал қилишга ҳисса қўшди? Қайси касбий кўникмаларни эгаллади? Уларнинг ташаббуслари натижасида хизмат олувчилар ҳаётида қандай ўзгариш юз берди? Ана шу саволларга жавоб дастурнинг ҳақиқий самарасини кўрсатади.

Яна бир муҳим таклиф — волонтёрлик фаолиятини тасдиқловчи ягона электрон платформа ташкил этишдир. Унда иштирокчининг қайси лойиҳада, қанча муддат ва қандай вазифани бажаргани, эришган натижалари акс этиши мумкин. Бу, айниқса, ижтимоий ходимликка номзодларни баҳолашда шаффофликни таъминлайди. Бу жараёнда волонтёрлик тажрибасининг давомийлиги, мазмуни ва амалий натижаси ҳисобга олиниши, бир марталик иштирок билан мунтазам фаолият ўртасида аниқ фарқ бўлиши зарур.

Зеро, волонтёрликни ривожлантириш — фақат кўнгиллилар сафини кенгайтириш эмас, балки жамиятда ўзаро ёрдам, дахлдорлик ва масъулият муҳитини мустаҳкамлаш демакдир. Президент фармонида белгиланган ташаббусларнинг самараси эса уларнинг қоғоздаги вазифалардан кундалик ҳаётдаги амалий ёрдамга айлана олиши, эзгу ниятнинг билим, масъулият ва аниқ натижа билан уйғунлашишига боғлиқ.

МУЛОҲАЗА

Аёлнинг дардини тинглаш, унинг ички кечинмаларини англаш осон иш эмас. Баъзан бир оғиз тасалли, самимий суҳбат ёки ўз вақтида кўрсатилган амалий ёрдам инсон ҳаётида катта ўзгариш ясаши мумкин. Шунинг учун маҳалла тизимидаги фаолиятим давомида ўз олдимга, аввало, хотин-қизларнинг дардига қулоқ тутиш, уларнинг муаммоларини биргаликда ҳал этиш ва ҳаётда ўз ўрнини топишига кўмаклашишни мақсад қилиб қўйганман.

Бу иш ва оила ўртасида тақсимланмаган

Аёлнинг ишлаши ҳақида гап кетганда, одатда, унинг маълумоти, касбий салоҳияти, иш тажрибаси ва меҳнат бозоридаги имкониятлари тилга олинади. Аммо бу масаланинг яна бир муҳим жиҳати бор: иш куни тугагач, уни уйда яна қанча юмуш кутади? Фарзандини ким парвариш қилади? Оиладаги кундалик вазифалар қай даражада тақсимланган? Иш ва уй ташвишлари ўртасида ўз саломатлиги ва руҳий хотиржамлигини сақлаб қолишга имкони борми?

Бу саволлар, айниқса, мактабгача ёшдаги фарзанди бор аёллар учун муҳим. Чунки бола парвариши, рўзғор юмушлари ва касбий фаолиятни бир вақтда олиб бориш кўп ҳолларда аёл зиммасига тушади. Натижада ишлаш истаги ва иқтисодий мустақилликка интилиш оилавий мажбуриятлар билан тўқнаш келади. Баъзан аёл ишлашдан воз кечишга, айрим вақтлар эса ўз имкониятларидан тўлиқ фойдалана олмасликка мажбур бўлади.

“Оила ва гендер” илмий-тадқиқот институти Тошкент шаҳри, Қашқадарё, Фарғона ва Хоразм вилоятларида мактабгача ёшдаги фарзандлари бўлган 594 нафар аёл ўртасида ўтказган ижтимоий тадқиқот айнан шу масалаларга ойдинлик киритади. Унда аёлларнинг меҳнат бозоридаги иштироки, иш ва оилавий мажбуриятларни мувофиқлаштириш даражаси ҳамда бунга таъсир этувчи ижтимоий-иқтисодий, оилавий ва институционал омиллар ўрганилган.

ИШЛАШГА ИСТАК БОР, ИМКОНИЯТ-ЧИ?

Сўров натижаларига кўра, иштирокчиларнинг 38,7 фоизи оилавий мажбуриятларни меҳнат бозоридаги фаоллигига таъсир қилаётган асосий омил сифатида кўрсатган. 25,4 фоиз она бола парвариши марказлари етишмаслигини, 16,2 фоизи иш жойининг узоқлигини, 13,9 фоизи эса масофадан ишлаш имконияти мавжуд эмаслигини қайд этган.

Бу рақамлар ортида ўзаро боғлиқ бир нечта муаммо мавжуд. Биринчидан, болани боғчага жойлаштириш ёки унинг парвариши учун ишончли шароит топиш ҳар доим ҳам осон эмас. Иккинчидан, иш жойи ва таълим-тарбия муассасаси ўртасидаги масофа, транспорт ва иш вақтининг қатъийлиги аёлнинг кундалик режасини мураккаблаштиради. Учинчидан, барча касбларда ҳам масофавий ёки мослашувчан ишлаш имконияти мавжуд эмас.

Демак, аёлнинг бандлигини ошириш учун фақат янги иш ўринлари яратишнинг ўзи кифоя қилмайди. Ундан фойдаланиш имконини берадиган шароит ҳам бўлиши керак. Акс ҳолда, меҳнат қилишга тайёр ва етарли салоҳиятга эга аёл ҳам оилавий мажбуриятлар сабаб иқтисодий фаолиятдан четда қолиши мумкин.

ОИЛАВИЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛОВ — БАНДЛИКНИНГ МУҲИМ ШАРТИ



Тадқиқотнинг эътиборга молик жиҳатларидан бири — турмуш ўртоғи ва оиланинг кўмаги аёлнинг иқтисодий фаоллигига сезиларли таъсир кўрсатишидир. Статистик таҳлилга кўра, турмуш ўртоғининг қўллаб-қувватлаши мавжуд бўлган аёлларда иқтисодий фаол бўлиш эҳтимоли 2,64 баробар юқори. Умумий оилавий қўллаб-қувватлаш даражаси юқори бўлганларда эса бандлик эҳтимоли 1,49 баробар юқори экани аниқланган. Аксинча, оилавий қаршилик ишга кириш эҳтимолининг 66,3 фоизга пастлиги билан боғлиқ бўлган.

Бу натижалар оиладаги муносабатлар аёлнинг касбий ҳаётидан ажралган ҳолда мавжуд бўлмаслигини кўрсатади. Турмуш ўртоғининг фарзанд тарбиясида иштирок этиши, уй юмушларини биргаликда бажариши ёки аёлнинг ишлаш истагини қўллаб-қувватлаши унинг меҳнат бозоридаги имкониятларини кенгайтиради. Аксинча, оилавий қаршилик ва барча маиший вазифаларнинг бир кишига юкланиши аёлнинг ишлаш қобилиятини чеклайди.

УЙ ЮМУШЛАРИ ИШ КУНИ ТУГАГАЧ ҲАМ ТУГАМАЙДИ

Тадқиқотда ҳафтасига 12 соатдан ортиқ қўшимча уй меҳнати бажариш бандлик эҳтимолининг 75,4 фоизга пастлиги билан боғлиқ экани қайд этилган. Бу рақам аёллар зиммасидаги ҳақ тўланмайдиган меҳнат ҳажми уларнинг касбий фаоллигига қандай таъсир кўрсатишини яққол намоён этади.

Аёл иш жойида белгиланган вазифаларини бажаргач, уйга қайтиб, яна овқат тайёрлаш, тозалик, фарзанд тарбияси ва бошқа юмушларга киришади. Бундай тартибда дам олиш, малака ошириш, янги касб ўрганиш ёки шахсий ривожланиш учун вақт ажратиш қийинлашади. Айниқса, кичик ёшдаги фарзанди бор оналар учун бу юк янада оғир бўлиши мумкин.

МУВОЗАНАТНИ ТАЪМИНЛАШ — УМУМИЙ МАСЪУЛИЯТ

Тадқиқот натижалари ёш болали аёлларнинг бандлиги биргина иш берувчи ёки оиланинг саъй-ҳаракатларига боғлиқ эмаслигини кўрсатмоқда. Бу масалада давлат, маҳаллий ташкилотлар, иш берувчилар ва оиланинг ўзаро ҳамкорлиги зарур.

Аввало, бола парвариши хизматларини, жумладан, мактабгача таълим ташкилотлари ва муқобил парвариш шаклларини ривожлантириш, уларнинг ҳудудлар бўйича қамровини кенгайтириш лозим. Иш жойига яқин бола парвариши муассасалари ёки иш берувчилар билан ҳамкорликда ташкил этиладиган гуруҳлар оналар учун муҳим енгиллик яратиши мумкин.

Қолаверса, масофавий ишлаш имкониятларини кенгайтириш керак. Бу аёлнинг меҳнат бозоридан узилиб қолмаслиги, касбий салоҳиятини сақлаши ва оилавий вазифаларини ҳам бажаришига ёрдам беради.

Шунингдек, оилаларда фарзанд парвариши ва уй юмушларини адолатли тақсимлаш маданиятини шакллантириш муҳим. Бу борада жамоатчилик, таълим муассасалари ва маҳалла тизими орқали тушунтириш ишларини кучайтириш, оталарнинг фарзанд тарбиясидаги иштирокини рағбатлантириш мақсадга мувофиқ.

Бундан ташқари, ишлайдиган оналар учун психологик маслаҳат ва қўллаб-қувватлаш хизматларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, уларнинг касбий малакасини ошириш ва меҳнат бозорига қайта киришини енгиллаштиришга қаратилган дастурларни ривожлантириш зарур.

Агар оилада масъулият адолатли тақсимланса, иш жойида қулай шароит бўлса, бола парвариши хизматлари етарли бўлса, аёл ўз салоҳиятини тўлиқ намоён этиши мумкин. Зеро, иш ва оила ўртасидаги мувозанатни таъминлаш жамиятнинг умумий масъулиятидир.

“Оила ва гендер” илмий тадқиқот институти маълумотлари асосида тайёрланди.

КИТОБ ЖАВОНИНГИЗГА...

МАРОҚЛИ КУЛГИ ОРТИДАГИ АЧЧИҚ ҲАҚИҚАТ

Кулги — қалбларни яқинлаштирадиган, турли миллат ва элатларни бир-бирига боғлайдиган ўзига хос туйғу. Унинг тили, чегараси, миллати йўқ. Бир халқнинг латифаси бошқа халқ вакилига ҳам завқ бағишлаши, бир юртда туғилган ҳангома олис ўлкаларда ҳам севиб ўқилиши мумкин. Аммо кулгининг қадри фақат кайфият кўтаришида эмас. У баъзан энг жиддий ҳақиқатни ҳам инсонга оғриқсиз етказади, ўйлашга, ўз хатти-ҳаракатларига назар ташлашга ундайди.


Марям САЛИМЗОДА.

Жаҳон адабиётида ҳажв ва юморнинг алоҳида ўрни борлиги бежиз эмас. Чунки ҳаётдаги айрим нуқсонларни кулги орқали кўрсатиш кўпинча самаралироқ бўлади. Ҳажвчи қаламга олган қаҳрамоннинг бир қарашда кулгили туюлган қилмишлари ортида эса жамиятга хос муаммолар, инсон табиатидаги зиддиятлар ва баъзан аччиқ ҳақиқатлар яширин бўлади.

Шу маънода, жаҳоннинг турли мамлакатларида яшаб ижод қилган адибларнинг ҳикоя, ҳажвия ва ҳангомаларини жамлаган янги тўплам — “Ўйиндан ўт чиқди” китобхон эътиборига лойиқ. Ундаги асарларни Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, таниқли ҳажвчи адиб Ҳабиб Сиддиқ ўзбек тилига маҳорат билан таржима қилгани ҳам китобнинг аҳамиятини оширади.

Тўпламда турли халқларнинг ҳаёт тарзи, дунёқараши, урф-одатлари ва инсонлар ўртасидаги муносабатлари ўзига хос юмор орқали акс этган. Қаҳрамонлар бошидан кечирган кулгили воқеалар, кутилмаган вазиятлар ва ҳазиломуз мулоҳазалар ўқувчида табассум уйғотиш билан бирга, унинг фикрлаш доирасини ҳам кенгайтиради. Зеро, ҳар бир халқнинг кулгисида ўша миллатнинг феъл-атвори, ҳаётга муносабати ва тафаккур тарзи намоён бўлади.

Айниқса, ҳажвнинг тарбиявий аҳамиятини алоҳида таъкидлаш жоиз. Манманлик, худбинлик, мансабпарастлик, иккиюзламачилик, дангасалик каби иллатлар қайси жамиятда учрамасин, уларни фош этишда ҳажвнинг таъсир кучи катта. Баъзан биргина кулгили воқеа инсонга узундан-узоқ насиҳатдан кўра кўпроқ сабоқ беради. Чунки киши ўзгалар устидан кулар экан, беихтиёр ўзида ҳам шундай нуқсонлар йўқми, деган саволни ўртага қўяди.



Таржимоннинг маҳорати эса бундай асарларнинг асл мазмуни ва бадиий таъсирини сақлаб қолишда намоён бўлади. Айниқса, юмор ва ҳажвга хос нозик қочиримлар, сўз ўйинлари, миллий руҳни бошқа тилда ҳам ўқувчига етказиш осон эмас. Ҳабиб Сиддиқнинг таржималари орқали турли халқлар ижодкорларининг асарлари ўзбек китобхонига яқинлашади.

Китобхон мутолаа давомида бирда самимий табассум қилади, бирда қаҳқаҳа отади, баъзи ўринларда эса кулги ортидаги жиддий маъно ҳақида ўйга толади. Аслида, яхши ҳажвнинг вазифаси ҳам кулдириш баробарида фикр уйғотиш, нуқсонни кўрсатиш орқали инсонни яхшиликка чорлашдан иборат.



Саҳифани “Mahalla” мухбири Шаҳноза РАҲИМХЎЖАЕВА тайёрлади.



“Саломатлик сари” акцияси доирасида Бухоро шаҳридаги БАҲОВУДДИН НАҚШБАНД НОМИДАГИ МАҲАЛЛАДА бепул тиббий кўрик ташкил этилди.



ТЎРАҚЎРҒОН ТУМАНИДАГИ “ШОВОН” МАҲАЛЛАСИ ҳудудида 24 соат фаолият юритадиган замонавий хизмат кўрсатиш кўчаси ташкил этилмоқда.



ЁЗЁВОН ТУМАНИДАГИ “ЮҚОРИ СОЙБЎЙИ” МАҲАЛЛАСИДА ногиронлиги бўлган Юсуфжон Назаров оиласи учун ҳашар йўли билан тураржой қуриб берилди.



“Бизнинг давримизда ёшлар бундай эмас эди”, деган мазмундаги ибора инсоният тарихида минг йиллардан бери такрорланиб келади. Аммо тан олиш керак, бугун биз гувоҳ бўлаётган авлодлар ўртасидаги фарқ — шунчаки ёш хусусиятларидаги ўзгариш эмас. Бу — икки хил цивилизация, икки хил фикрлаш дунёсининг тўқнашувидир.

ФИКР

“Оиладаги бир кун, бу — “телефонсиз суҳбат” бўлади”

Анвар ФАРМОНОВ,
Гулистон туманидаги “Тажрибакор” маҳалласи раиси.

Катта авлод китоблар, жонли суҳбатлар ва босиб ўтилган анъанавий йўллар қадрияти билан улғайган бўлса, бугунги авлод дунёни рақамли технологиялар орқали англамоқда. Афсуски, бу жараёнда ота-оналар ва фарзандлар ўртасидаги тушуниш кўприклари емирилиб бораётир. Бунинг ортида қатор руҳий ва ижтимоий фарқлар ётибди.

Энг ачинарлиси — виртуал дунё меҳр-оқибатнинг ўрнини эгаллаётганида. Илгари оила даврасида бир дастурхон атрофида дилдан суҳбатлар қуриларди. Бугун эса кечки пайт ҳамма уйда, лекин ҳар ким ўз олами билан яшайди.

Тажрибадан маълум бўлдики, бу муаммонинг ечими ҳамкорликда экан. Болани гаджет билан яшаётгани учун жазолаш ёки китобларни ўқишга мажбурлаш фойда бермайди. Бунинг ўрнига, унинг дунёсига қизиқиб кўриш керак. Унинг тилида гапиришни ўрганиш — ота-онанинг обрўсини туширмайди, аксинча, ўртадаги ишончни тиклайди.

Биз айни шу масалада айрим ташаббусларни ҳаётга татбиқ этдик. Фаоллар, нуронийлар ва кўнгилли ёшлар иштирокида хонадонлараро юриб, тушунтиришларни олиб боряпмиз. Ишонасизми, ҳар бир хонадонда оилавий нонушта, тушлик ёки кечки таом пайтида “телефонсиз суҳбат”лар ташкил этганимиз натижасини кўп куттирмади. Кунига ҳеч бўлмаса 1 соатни “интернетсиз соат”, деб эълон қилганмиз. Бу вақтни биргаликда жонли суҳбат, оилавий сайрга бағишладик.

Ота-оналар фарзандлари билан мулоқот тилини ўзгартирди. “Телефонда нима қилиб ўтирибсан, бошингни кўтар!”, дейиш ўрнига, унинг дунёсига кирмоқда. Уй ишларида ёки оилавий қарорлар қабул қилишда (масалан, уйга нима сотиб олиш ёки дам олиш куни қаерга боришда) болалар фикрини сўраяпмиз.

Кузатувларимиздан билдикки, болалар бизни эшитишдан кўра, кўпроқ кузатиб, такрорлар экан. Шу боис уйда биринчи бўлиб, ўзимиз китоб ва жонли мулоқотга вақт ажратишни анъанага айлантира олганимиз ўғил-қизларда китобхонлик маданиятини шакллантирди.

ТАҲЛИЛ

Жамоат транспорти — тадбиркорнинг реклама майдончаси...(ми?)

Ҳар куни эрталаб ишга ёки ўқишга шошилар эканмиз, жамоат транспорти хизматидан фойдаланамиз. Нисбатан тинч, бехавотир бўлгани учун кимдир хаёл суришни, кимдир китоб мутолаасини, яна кимдир шунчаки оғир иш кунидан кейин уйига етиб олишни хоҳлайди. Аммо автобус ёки метро вагонига чиқишингиз билан қулоқни қоматга келтирувчи баланд овозли рекламалар таъқиб қила бошласа-чи?



Жасур ХАЛИЛОВ,
Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси бош мутахассиси.

Ачинарлиси, сизда танлов йўқ. На овозни пасайтира оласиз, на бу ёпиқ макондан қочиб қутула оласиз. Хўш, йўловчининг тинч ва қулай муҳитда манзилига етиб олиш ҳуқуқи қаерда қолди?

Жамоат транспорти хизматидан фойдаланувчи ҳар бир шахс, аввало, истеъмолчи ҳисобланади. Йўловчи йўл ҳақини реклама эшитиш учун эмас, “А” нуқтадан “Б” нуқтага хавфсиз ва осойишта етиб олиш — яъни транспорт хизмати учун тўлайди. Инсон хоҳиш-иродасини инобатга олмай, унинг миясига “ихтиёрий-мажбурий” тарзда реклама қуйиш нафақат шахсий дахлсизлик ва осойишталикни, балки амалдаги қонунчиликни ҳам қўпол равишда бузишдир.

Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги “Реклама тўғрисида”ги қонунининг 33-моддасида транспорт воситаларида реклама жойлаштириш тартиби аниқ ва лўнда белгилаб қўйилган. Унга кўра, рекламани овозли узаткичлар воситасида эшиттириш қатъиян тақиқланади.

Автобус ёки метро вагонларидаги телекўзгуда намойиш этилаётган тижорий лавҳаларнинг овозини баланд қилиб қўйиш — ушбу модда талабларининг тўғридан-тўғри бузилишидир. Тасвирли тарғиботларга келсак, улар ҳам йўловчиларнинг ҳаракат хавфсизлигига ва транспортдан фойдаланиш қулайлигига асло халақит бермаслиги лозим.

Шунингдек, “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 4-моддасига мувофиқ, истеъмолчилар маҳсулот ва хизматларни эркин танлаш ҳамда уларнинг тегишли сифатда бўлишини талаб қилиш ҳуқуқига эга. Мажбурий реклама эса бу эркинликни чеклайди.

Шу боис Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси мазкур масалада қуйидаги муҳим жиҳатларга эътибор қаратади:

• *транспорт ичида ҳар қандай тижорий рекламанинг овоз кучайтиргичлар орқали янграши ноқонуний. Бундай ҳолатлар аниқланганда, ташувчи корхоналар(масалан, “Тошшаҳартранс-хизмат” ҳиссадорлик жамияти ёки ҳудудий транспорт бошқармалари)га нисбатан қатъий чора кўрилиши шарт;*

• *жамоат транспортидаги тасвир узатувчи кўзгу, энг аввало, кейинги бекатлар номи, йўналишлар харитаси, хавфсизлик қоидалари ёки давлат ижтимоий роликларини узатишга ихтисослашган. Уларни тижорий реклама майдонига айлантириб юбориш ва йўловчиларга ноқулайлик туғдириш мумкин эмас;*

• *Реклама соҳасининг энг асосий қоидаларидан бири — истеъмолчини мажбурламасликдир. Автобус ёки метро каби ёпиқ муҳитда йўловчининг рекламани ўчириш ёки ундан чалғиш имконияти йўқлиги ҳуқуқлари чекланаётганидан далолат беради.*

Хўш, бундай вазиятда истеъмолчи қандай йўл тутиши керак?

Агар сиз жамоат транспортида баланд овозли ёки меъёрдан ортиқ мажбурий рекламага дуч келсангиз, жим қараб турманг.

Овозли реклама янграётган жараённи телефонингизга видео ёки аудио тарзида ёзиб олинг. Лавҳаларда автобуснинг йўналиши, давлат рақами ва ичидаги кўзгу яққол кўриниб турсин.

Истеъмолчи сифатида ҳуқуқларингиз бузилгани юзасидан қўмитанинг виртуал қабулхонаси ёки 11-59 ишонч телефони орқали шикоят йўлланг.

Жамоат транспорти ташкилотлари устидан назорат олиб борувчи вазирликнинг 11-67 ишонч телефонига қўнғироқ қилиб, хизмат сифати талабга жавоб бермаётгани ва қонунбузарликка йўл қўйилаётгани ҳақида хабар беринг.

Хулоса ўрнида айтганда, жамоат транспортидаги кўзгулар тадбиркорларнинг мажбурий мижоз тўплайдиган шахсий томорқаси эмас. Улар йўловчиларга сифатли хизмат кўрсатувчи восита бўлиши шарт.



МУТАХАССИС ФИКРИ

УЙЛАР ОММАВИЙ БАҲОЛАНДИ: ЯНГИ НАРХ СОЛИҚЛАРНИ ОШИРАДИМИ?

Йиллар давомида яшаб келаётган, кадастр қиймати “фалон сўм”, деб баҳоланган хонадонингиз қиймати оммавий баҳолаш натижасида бир неча баробарга ошганини билиб қолдингиз. Бу янгиликдан кейин кўпчилик мулкдорларнинг хаёлига биринчи бўлиб, “Энди солиқлар ҳам шунга яраша ошадими? Бу нархни ким ва қандай ҳисоблади?”, деган хавотирли саволлар келиши табиий.



Феруз СУЛТОНОВ,
Кўчмас мулкни оммавий баҳолаш миллий маркази директори ўринбосари.

Келинг, аввал, шу саволларга жавоб изласак. Оммавий баҳолаш ишларига “Кўчмас мулкни оммавий баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги Президент фармони ҳуқуқий асос ҳисобланади. Унга асосан, босқичма-босқич барча кўчмас мулкларнинг бозор нархига яқин бўлган қийматини аниқлаш мақсад қилинган. Жумладан, 2025-2026 йилларда Тошкент шаҳрида, 2026-2027 йилларда Нукус шаҳри ва вилоятлар марказларида, 2027 йилдан бошлаб эса қолган ҳудудларда.

Мазкур фармонга асосан, Кўчмас мулкни оммавий баҳолаш миллий маркази тажриба тариқасида Тошкент шаҳрида жойлашган тураржойларни оммавий баҳолаш ишларини якунига етказди. Натижалар жамоатчилик муҳокамасига қўйилди.

Дастлабки оммавий баҳолаш натижалари йиллар давомида амалда бўлган кадастр қиймати ҳаётдан қанчалик узилиб қолганини кўрсатди. Янги тизим бўйича ҳисобланган, бозорга яқинлаштирилган баҳолар амалдаги эски кадастр қийматидан — квартира(кўп қаватли уй)лар учун ўртача 7,4 баробарга, ҳовли-жойлар (ер участкалари) учун даҳшатли туюлиши мумкин бўлган 14-15 баробаргача юқори чиққан.

Бундай улкан фарқнинг бўлиши табиий ҳол. Чунки йиллар давомида уйларнинг кадастр қиймати сунъий равишда паст баҳоланиб келинган ва у бозордаги нарх-навони умуман акс эттирмас эди. Оммавий баҳолаш эса мулкнинг ҳақиқий иқтисодий қийматини аниқлашга қаратилган илк жиддий қадамдир.

Шу билан бирга, кўчмас мулкнинг қийматига асосий таъсир кўрсатадиган ер участкасининг қиймати унинг жойлашуви, ҳудуднинг ривожлангани, қавати ва бошқаларни акс эттирмайди. Оммавий баҳолаш натижасида аниқланган қийматни солиқ ставкаси ёки солиқ суммаси билан тенглаштириш тўғри бўлмайди. Амалдаги қонунчиликка мувофиқ, тураржойларнинг мулк солиғи базаси этиб кадастр қиймати белгиланган. Яъни кўчмас мулкни оммавий баҳолаш натижаси бугунги кунда ҳеч қандай ҳуқуқий оқибатни келтириб чиқармайди. Яъни солиқлар кескин ошиб кетади, деган хавотирга ўрин йўқ.

Агар сиз, хонадонингизнинг оммавий баҳолаш натижасида аниқланган янги қийматни ҳаддан ташқари баланд ёки нотўғри, деб ҳисобласангиз, қонунчиликда бунинг учун махсус эътироз билдириш чораси ва шаффоф тизими яратилган.

Мулкдор сифатида қуйидаги 3 та оддий қадамни бажаришингиз лозим: мулк баҳосини онлайн текшириng, ортиқча навбатларсиз, уйдан чиқмаган ҳолда “my.gov.uz” ёки “davreestr.uz” порталлари орқали ўз хонадонингизга қўйилган янги оммавий баҳолаш қиймати билан танишиб чиқинг.

Рақамлар ҳақиқий бозор нархидан жуда узоқ ёки хато, деб топсангиз, шу порталларнинг ўзида (жамоатчилик муҳокамаси босқичида) эътироз, фикр ва таклифларингизни расмий равишда қолдиринг. Сизнинг фикрингиз инобатга олинади. Жараёнда фуқароларнинг фаоллиги жуда муҳим.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, жараёнда объектларнинг бозор нархига яқин қийматини аниқлашда барча объектларнинг таъмирлангани ҳолати “ўрта таъмир ҳолатида”, деб қабул қилинади. Баҳоланадиган мулк қиймати бозор нархидан 30 фоизгача паст бўлади.

Ушбу жараённи янада соддалаштириш, тизим шаффофлигини ошириш ва хавотирларни камайтириш учун айрим тартибларни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ.

Жумладан, порталда фақат якуний рақамни эмас, балки унга таъсир қилган омилларни алоҳида кўрсатиш, эътироз билдириш тизимини янада соддалаштириш лозим. Янги баҳодан норози бўлган фуқаролар учун асосли эътироз қолдиришнинг осонлаштирилган шаклларини жорий этиш керак.

Шунингдек, интернетдан фойдаланиш кўникмаси паст бўлган аҳоли қатламлари (масалан, кексалар) учун маҳаллаларда эътирозларни тизимга киритишга ёрдам беришни йўлга қўйиш, мураккаб иқтисодий атамаларни оддий тилга кўчириб, қисқа видеороликлар, инфографикалар ва маҳаллаларда тарқатиладиган флайерлар тайёрлаш ҳам яхши самара беради.

СЎЗЛАРДА МАЪНО БОР, МАЪНОДА ФИКРАТ

“ЯЛИНГА ЮЗ БЕРСАНГ, ЯЛОҒИНИ ИСТАР”

Бу мақол шунчаки бир халқ ибораси эмас, балки инсониятнинг минг йиллик кузатувлари асосида шаклланган гап. Унинг қурилиши ниҳоятда рамзийдир.

Қадимги соф туркий тилда “ялин” сўзи нафақат текинхўр, балки ўзгалар ҳисобига кун кўрувчи, ҳеч вақоси йўқ, аммо нафси катта кимсани англатган. “Ялоқ” эса ҳайвонлар таомланадиган идишдир.

Бу ерда халқимиз инсоний муносабатларни жуда аниқ бир метафорага кўчирган. Агар оч, бетайин ва ҳаддини билмайдиган бир кимсага озгина инсонийлик, меҳр ёки эътибор кўрсатсанг, у буни сенинг соддалигинг, ожизлигинг, деб қабул қилади. Натижада сен билан тенг ҳуқуқли бўлишни эмас, балки сенинг бор-будингга, “ялоқ”, яъни шахсий маконингга эгалик қилишни истаб қолади.

Мақолнинг замирида икки хил феъл-атвор тўқнашуви ётади. Биринчиси, кўнгли бўш, раҳмдил, кимгадир ёрдам беришни хуш кўрадиган ва “йўқ”, дея олмайдиган инсон. У ўз меҳрини ва эътиборини беғараз беради. Иккинчиси, ички дунёси қашшоқ, фақат олишни биладиган, аммо беришни хаёлига ҳам келтирмайдиган таъмагир. Унда шукроналик ҳисси бўлмайди.

Агар сиз “ялин” тоифасидаги одамга бир марта бепул ёрдам берсангиз, у буни “яхшилик”, деб эмас, балки “сенинг мажбуриятинг”, деб қабул қилади. Иккинчи марта ёрдам бермасангиз, сиздан хафа бўлади.

Аждодларимиз бу мақол орқали бизга жуда муҳим ҳаётий сабоқни қолдиришган. Яхшиликнинг ҳам чегараси ва меъёри бўлиши керак.

Агар меҳр-мурувват, ёрдам ва юзхотир қилинганда қаршидаги одамнинг кимлигига, унинг диёнатига қаралмаса, унда яхшиликнинг қадри қолмайди, балки ёмонликка йўл очилади. Ҳаддини билмаган одамга юз буриш — ундаги очкўзлик ва худбинлик иллатини янада кучайтиради.



Саҳифани “Mahalla” мухбири Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ тайёрлади.



НАВБАҲОР ТУМАНИДАГИ “ҲАЛОВАТТЕПА” МАҲАЛЛАСИДА янги, замонавий маҳалла биноси фойдаланишга топширилди.



ЖАСУР МУСТАФОЕВ “ARBIChO-2026” халқаро кимё олимпиадасининг амалий имтиҳон йўналишида мутлақ ғолиб, деб топилди.



МЎЙНОҚ ТУМАНИДАГИ “ДЎСТЛИК” МАҲАЛЛАСИДА 1 миллиард 648 миллион сўм маблағ эвазига йиғин барча қулайликларга эга янги йиғин биноси барпо этилди.

Реклама тижорат мақсадида тарқатилаётган бўлса-да, айрим ҳолларда унинг реклама экани очиқ кўрсатилмайди

2026 ЙИЛ 11 НОЯБРЬ, ЧОРШАНБА

№91

Mahalla

МАҲАЛЛАМИЗ ИФТИХОРИ

Бир пайтлар шахмат тахтаси қаршисида кичик қўллари билан доналарни сурган болакай бугун бутун дунё нигоҳини Ўзбекистонга қаратмоқда. У — Ҳумоюн Бекмуродов. Унинг ҳаёт йўли истеъдод, тинимсиз меҳнат ва катта мақсад сари интилишнинг ёрқин намунасидир.

КАТТА ТАРИХ ҲАР ДОИМ КИЧИК ҚАДАМДАН БОШЛАНГАН

Баъзан катта тарихлар кичик қадамлардан бошланади. Кимдир болалигида китобга меҳр қўяди, кимдир спорт майдонида ўз йўлини топади. Ҳумоюн эса ҳали олти ёшга ҳам тўлмаган кезларидаёқ шахмат тахтасида ўз келажагининг илк юришларини бошлаган эди.

Қаҳрамонимизнинг шахматга бўлган қизиқиши эрта ёшдан жиддий натижаларга айлана бошлади. У 6 ёшу 5 ойлигида спорт усталигига номзод унвонини қўлга киритиб, дунёдаги энг ёш шахматчи сифатида эътироф этилди.

Кейинги йиллар Ҳумоюн учун янги марралар, мусобақалар ва зафарлар даври бўлди. У ёшлар ўртасида беш карра жаҳон чемпиони, ўн карра Осиё чемпиони сифатида танилди. Халқаро гроссмейстер унвонига сазовор бўлди. Эришган натижалари ортида эса кўпчилик кўрмайдиган машаққатли машғулотлар, минглаб ўйланган юришлар, мағлубиятлардан чиқарилган хулосалар ва ўз устида тинимсиз ишлаш мужассам.

Куни кеча Бирлашган Араб Амирликларининг Ал-Айн шаҳрида ўтказилган 20 ёшгача бўлган шахматчилар ўртасидаги жаҳон чемпионатида Ҳумоюн яна бир бор ўз маҳоратини намоён этди. У мусобақада 9 имкониятдан 7,5 очко жамғариб, бирор марта мағлубиятга учрамай, олтин медални қўлга киритди. Эътиборлиси, эндигина 16 ёшни қаршилаган шахматчи ўзидан ёши катта, тажрибали рақиблар орасида мутлақ чемпион бўлди.

Ҳумоюннинг ютуқлари мамлакатимизда ҳам муносиб эътироф этилган. У “Мард ўғлон” ва “Келажак бунёдкори” давлат мукофотлари билан тақдирланган. 2020 йилда — атиги ўн ёшида Ўзбекистон чемпиони бўлганида унга “Spark” автомобили совға қилинган.

Спортчининг ҳаёт йўлига назар ташлар эканмиз, бир ҳақиқат аён бўлади: истеъдодга имконият, эътибор ва қўллаб-қувватлаш қўшилса, ундан катта натижалар туғилади. Айниқса, маҳалла ёшларининг орзу-интилишларини қўллаш, уларнинг қобилиятини вақтида илғаш ва тўғри йўналтириш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан биридир.



— Ҳумоюн каби ёшларимизнинг халқаро майдондаги ғалабалари барчамизга чексиз фахр бағишлайди, ***— дейди Яшнобод туманидаги “Беҳизор” маҳалласи раиси Убайдулла Миновархўжаев.*** *— Унинг олти ёшидан бошланган меҳнати бугун жаҳон чемпионлиги билан самара бераётгани ёшларимиз учун катта ибрат мактабидир. Биз маҳаллада ҳар бир ёшнинг қобилиятини юзага чиқариш, орзу-мақсадларини қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ютуқларидан фахрланишни ўзимизнинг муҳим вазифамиз, деб биламиз.*

Дарҳақиқат, Ҳумоюн Бекмуродовнинг ғалабаси фақат бир спортчининг ютуғи эмас. Бу — Ўзбекистон ёшларининг ақл-заковати, салоҳияти ва дунё миқёсида рақобат қилишга қодир эканининг исботидир. Бугун шахмат тахтасида ғолибликни қўлга киритган бу ёш йигитнинг эртанги мақсадлари бундан-да юксак. Зеро, ҳақиқий чемпион учун ҳар бир ғалаба янги марранинг бошланишидир.

ТАҲЛИЛ

БЛОГЕР ТАВСИЯСИГА ИШОНСАК, ҚОНУННИ БУЗМАЙМИЗМИ?

Ижтимоий тармоқларда миллионлаб кузатувчига эга блогерларнинг биргина тавсияси минглаб инсонларнинг харид қарорига таъсир кўрсатиши мумкин. Аммо маҳсулот ёки хизматни реклама қилиш ортида қандай масъулият бор? Афсуски, айрим ҳолларда машҳурлик ва даромад ортидан қувиш қонун талабларидан устун келмоқда.

Шаҳноза ХАЛИЛОВА.



Бугун “Instagram”, “Telegram”, “Youtube” ва бошқа ижтимоий тармоқлар йирик реклама майдонига айланган. Бир қарашда оддий тавсия ёки шахсий тажриба каби кўринган видеолавҳа аслида ҳақ эвазига тайёрланган реклама бўлиб чиқади. Кузатувчилар эса блогернинг обрўси ва унга бўлган ишонч сабабли тавсия этилаётган маҳсулотни баъзан текшириб ўтирмай харид қилишга шошилади. Муаммо ҳам шунда: реклама тижорат мақсадида тарқатилаётган бўлса-да, айрим ҳолларда унинг реклама экани очиқ кўрсатилмайди, маҳсулотнинг имкониятлари бўрттирилади, камчиликлари эса четда қолади.

Бундай вазиятлар шунчаки ахборотдаги хато эмас. У истеъмолчининг пулига, соғлиғига, энг муҳими, ишончига зарар етказиш билан тенгдир. Масалан, даволовчи хусусияти илмий жиҳатдан тасдиқланмаган маҳсулотни шифобахш восита сифатида тарғиб қилиш ёки таваккалчиликка асосланган ўйинларни даромад манбаи сифатида кўрсатиш одамларни нотўғри қарор қабул қилишга ундайди.

Қонун талаби аниқ, аммо унга амал қилиш ҳамма учун бирдек шарт. Ўзбекистонда реклама соҳасидаги муносабатлар “Реклама тўғрисида”ги қонун билан тартибга солинган. Мазкур қонуннинг 16-, 18-, 35-, 46-, 47- ва 49-моддаларида рекламага оид қатор талаб ва чекловлар белгилаб қўйилган. Жумладан, истеъмолчиларни чалғитувчи ва ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни тарқатиш, рекламани бошқа ахборотдан ажратмаслик, биологик фаол қўшимчаларни дори воситаси сифатида тарғиб қилиш, қонунчиликда тақиқланган хизматлар рекламасини жойлаштириш каби ҳолатларга йўл қўйилмайди. Демак, рекламани қайси платформада ва ким тарқатишидан қатъи назар, барча иштирокчилар ушбу қонун талабларига риоя этиши шарт.

Бироқ қонунбузилишлар ҳаётда қандай намоён бўлмоқда?

Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасининг расмий маълумотлари бу муаммонинг амалий жиҳатларини кўрсатади. Жумладан, жорий йилда Ф.Ширинбоева (@clemenskoelpin) ва Д.Бахтиозин (@mjova41, @Damirrxon)нинг саҳифаларида букмекерлик хизматлари ва қимор ўйинларини тарғиб қилувчи роликлар аниқланган. “Қаҳрамон Табиб” номи билан танилган блогер Қаҳрамон Сирожовнинг “Instagram” саҳифасида биологик фаол қўшимча рекламасига оид видеоларда маҳсулот хусусиятлари бўрттириб кўрсатилгани, тўлиқ маълумот берилмагани ва истеъмолчида дори воситаси ҳақида тасаввур уйғотиши мумкинлиги қайд этилган.

Бу мисоллардан кўриниб турибдики, қонунбузилишлар фақат реклама белгисини қўймаслик билан чекланмайди. Гоҳида тақиқланган хизматлар тарғиб қилинса, гоҳида инсон саломатлигига дахлдор маҳсулотлар ҳақида асоссиз ваъдалар берилади. Бундай ахборот таъсирида кимдир маблағини йўқотиши, кимдир самараси исботланмаган маҳсулотга ишониб қолиши мумкин.

— Қўмита ижтимоий тармоқларда фаолият юритаётган 110 нафар блогер рўйхатини шакллантириб, уларнинг рекламаларини кунлик мониторинг қилди, ***— дейди Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси раисининг жамоатчилик билан алоқалар бўйича маслаҳатчиси Отабек Усмонов.*** *— Ўрганишлар давомида 12 нафар блогер реклама қонунчилиги талабларига зид материаллар жойлаштиргани аниқланган ва уларга нисбатан маъмурий жавобгарлик чоралари қўлланилган. Шунингдек, кенг жамоатчиликка танилган қўшиқчилар, актёр ва актрисалар ҳамда спортчиларнинг ижтимоий тармоқлардаги реклама чиқишлари ҳам назоратга олинган.*

Албатта, бу каби мониторинг ишлари зарур. Аммо 110 нафар блогер назоратга олингани билан қолган минглаб саҳифаларда тарқатилаётган рекламалар эътибордан четда қолмаяптими? Қонунбузилиш аниқлангандан кейин жазо қўллаш муҳим, лекин унинг олдини олиш муҳимроқ эмасми? Маъмурий жавобгарликка тортилган блогерларнинг исмлари, аниқ қоидабузарлик турлари ва жарима миқдорлари очиқланмаган. Бу эса жамоатчиликда назорат натижалари ҳақида янада батафсил маълумот олиш эҳтиёжини юзага келтиради.

— Мониторинг жараёнида аниқланган қонунбузилишлар юзасидан белгиланган тартибда чоралар кўрилмоқда, ***— дейди Отабек Усмонов.*** *— Бироқ асосий мақсадимиз фақат қонунбузарларнинг шахсини ошкор этиш ва уларни омма олдида жазолаш эмас, балки қонунбузилишларнинг олдини олиш, реклама тарқатувчиларнинг масъулиятини ошириш ҳамда реклама бозорида қонунийлик муҳитини шакллантиришдир.*

Бу фикрлар ўринли, қонун ишлаши, аввало, инсонларни тўғри йўлга бошлаши керак. Бироқ амалиётда айрим блогерлар реклама жойлаштиришда унинг қонунийлиги ва мазмунига етарлича эътибор қаратмаётгани ҳам бор гап. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун ижтимоий тармоқларда реклама тарқатувчилар ўртасида қонун талабларига риоя қилиш маданиятини шакллантириш, уларнинг ҳуқуқий савод-хонлигини ошириш муҳим. Айни пайтда, истеъмолчилар ҳам ҳар қандай тавсияга ишониб кетмасдан, ахборотнинг ишончлилиги ва реклама хусусиятига эътибор қаратиши лозим.

Шу мақсадда блогерлар ва реклама берувчилар учун қонунчилик талаблари бўйича тушунтириш ишларини кучайтириш, пуллик ҳамкорлик асосида жойлаштирилган мақолаларда реклама экани очиқ кўрсатиш амалиётини таъминлаш зарур. Реклама қилинаётган маҳсулот ва хизматлар ҳақидаги маълумотларнинг ҳаққонийлиги, уларнинг қонунчиликка мувофиқлигига ҳам алоҳида эътибор қаратилиши керак.

Шунингдек, аниқланган қонунбузилишлар ва улар юзасидан кўрилган чоралар ҳақида жамоатчиликка мунтазам ахборот бериб бориш муҳим. Бу бошқа реклама тарқатувчилар учун ҳам огоҳлантириш, фуқаролар учун эса ҳуқуқий сабоқ бўлиб хизмат қилади. Истеъмолчиларнинг шубҳали рекламалар юзасидан мурожаат қилиш имкониятларини соддалаштириш ва бундай шикоятларни тезкор ўрганиш ҳам муаммонинг олдини олишга ёрдам беради.



Саҳифани “Mahalla” мухбири Шаҳноза ХАЛИЛОВА тайёрлади.

ҲАЁТ САБОҒИ

Бугун шаҳар ҳаётининг шиддатига қаранг: жамоат транспорти одамлар билан гавжум, метро бекатларида йўловчилар оқими узилмайди, автобусларда бир-биридан жой сўраб ўтиш ҳам осон эмас. Ҳар кимнинг ўз манзили, ташвиши, шошилинч юмуши бор.

ТИККА ТУРИБ, ТЕК ТУРИБ КЎРМАГУНЧА...

Дилнура ИСОҚОВА.
Янгиҳаёт туманидаги “Ҳумо” маҳалласи.

Мен ҳам ҳар куни шу манзаранинг бир иштирокчисиман. Университетга бориш учун метрога тушаман. Авваллари йўл-йўлакай кўзим тушган айрим ҳолатларга унчалик аҳамият бермаганман. Ўриндиқларда ёшлар, уларнинг қаршисида эса тик турган, қўлида оғир юки билан мувозанат сақлашга уринаётган оналар, ёши каттароқ аёллар... Бу манзара кўз олдимдан ўтар, аммо эҳтимол, мен ҳам ўз манзилим, ўз ташвишларим билан банд бўлиб, унга бефарқ қарагандирман.

Энди эса вазиятга бошқача қарай бошладим. Ҳомиладорлик давримда узоқ вақт тик туришнинг ўзи мен учун қанчалик ноқулай эканини ҳис қиляпман. Метро вагонида бир бекатдан иккинчисигача тик туриш ҳам баъзан оғир келади. Баъзан ўриндиқда ўтирган ёш йигит ёки эркаклар менга кўзи тушган заҳоти кўзларини юмиб олади. Гўё ухлаб қолгандек, гўё атрофда ҳеч ким йўқдек. Айримлари эса нигоҳини телефондан узмайди. Мен эса манзилимга етгунимча тик туришга мажбур бўламан. Бу орада оёқларимдаги толиқишни ҳис қиламан. Аммо мени кўпроқ чарчатадигани бу жисмоний ноқулайлик эмас, балки одамларнинг бир инсон эҳтиёжини кўриб туриб ҳам ўзини кўрмасликка олаётгани...



Яна бир жиҳат борки, у ҳақда ўйламай илож йўқ. Ижтимоий тармоқларда катталарга жой бериш билан боғлиқ видеолавҳалар тез-тез учрайди. Уларнинг изоҳларини ўқисангиз, турли қарашларга дуч келасиз: “Ёшлар катталарга ўрин бўшатишга мажбур эмас, улар ҳам чарчайди”, “Улар ҳам кун бўйи тик оёқда юради”, “Жой берса, биров раҳмат айтадими?”...

Тўғри, ёшларнинг ҳам чарчоғи, ташвиши, ўз муаммолари бор. Ҳеч кимдан ўз имкониятидан ортиқ нарсани талаб қилиб бўлмайди. Аммо гап атрофдагиларнинг ҳолатини ҳис қилишда. Зеро, инсоннинг тарбияси ҳам, маънавияти ҳам ана шундай оддий вазиятларда намоён бўлади.


Энг ачинарлиси, баъзан одамлар, ҳатто бир-бирини туртиб, ўриндиқ эгаллашга уринаётганларни кўрасиз. Бу манзарани кўрганда, одамнинг кўнгли оғрийди. Ахир, бир неча бекатлик қулайлик учун инсонийликни четга суришга арзийдими?

Бугун ўзимни бир савол билан юзлаштирдим: наҳотки, бошимдан ўтмагунча бошқаларнинг ҳолатини етарлича англамаган бўлсам? Агар шундай бўлган бўлса, бугунги кечинмам мен учун ҳам бир сабоқ бўлди. Ахир, бизнинг ўз қадриятларимиз, тарбиямиз, каттага ҳурмат, кичикка иззат, деган тушунчаларимиз бор. Улар фақат оила даврасида ёки байрамларда эсга олинмаслиги керак. Бу қадриятлар ҳар куни, ҳар қадамда синовдан ўтади. Балки биргина ўрин бўшатгани учун биров миннатдорчилик билдирмас. Аммо инсонлигимиз тўғри деб билган ишимизни қила олганимизда қадрлидир. Зеро, жамиятнинг маънавий қиёфаси бир-бирига бўлган муносабатда акс этади. Эҳтимол, бизга айнан шу оддий, аммо унутилаётган инсонийлик етишмаётгандир...

БУНИ БИЛАСИЗМИ?

Микротўлқинли печ овқатни заҳарлайдими?

Микротўлқинли печда иситилган овқат зарарли, ҳатто заҳарга айланади, деган гапларни кўпчилик эшитган. Аммо бу қанчалик ҳақиқатга яқин? Аслида, печдан тўғри фойдаланилса, унинг таомни заҳарлаши ёки радиоактив ҳолатга келтириши ҳақидаги хавотирларга илмий асос йўқ.



Ушбу сон саҳифаларидаги барча мақолалар матнини мусаҳҳиҳ Феруза ФУЗАЙЛОВА ўқиди.

Хўш, микротўлқинли печь қандай ишлайди? У микротўлқинлар ёрдамида овқат таркибидаги, айниқса, сув молекулаларини ҳаракатга келтиради. Натижада иссиқлик ҳосил бўлиб, таом қизийди. Бу жараёнда овқат радиоактив бўлиб қолмайди, кимёвий жиҳатдан заҳарга ҳам айланмайди.

Бироқ хавф печнинг ўзида эмас, ундан нотўғри фойдаланишда. Масалан, микротўлқинли печь учун мўлжалланмаган пластик идишлар қиздирилганда айрим кимёвий моддалар овқатга ўтиши эҳтимоли бор. Металл идишлар, алюминий фолга ва ялтироқ безакли идишлар эса учқун чиқишига, ҳатто ёнғинга сабаб бўлиши мумкин. Овқат устини оддий полиэтилен пакет билан ёпиб иситиш ҳам тавсия этилмайди.

Яна бир муҳим жиҳат: микротўлқинли печь овқатни ҳар доим бир текис иситмайди. Айрим жойлари иссиқ, бошқалари эса совуқ қолиши мумкин. Шу сабабли иситиш жараёнида таомни аралаштириш, имкон бўлса, бироз тиндириб, сўнг истеъмол қилиш мақсадга мувофиқ. Айниқса, гўштли таомлар ва олдиндан пиширилган овқатларни яхшилаб иситиш керак.

Мутахассислар овқат иситишда шиша ёки сопол идишлардан, шунингдек, махсус “микротўлқинли печ учун хавфсиз”, деб белгиланган идишлардан фойдаланишни тавсия этади.

Mahalla

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

Бош муҳаррир: Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Дизайнерлар: Лазиз Мейликов, Шерзод Маманов

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2024 йил 7 майда №271590 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «MAHALLA DAVRIY NASHRLARI» МЧЖ
Таҳририят манзили: 100192, Тошкент шаҳри Мустақиллик шоҳ кўчаси 59-уй.
Телефонлар: 71 233-39-89, 71 233-10-92.
Нашр кўрсаткичи: 148.

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди.

Босмахона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди ва офсет усулида босилди.

Ўлчами: А2, 4 б.т.
8 307 нусхада чоп этилди.
Буюртма №: Г-1120